O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA

O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

2010-yil Yanvar

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan ● E-mail:urmvd@inbox.uz ● №02(3843)

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

БИР ТАН БЎЛИБ БИРЛАШУРМИЗ БАХТИНГ УЧУН

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида Ватан манфаатларига чин дилдан садоқатли, муқаддас заминимиздаги тинч ва осуда ҳаётни кўз қорачиғидек асраб келаётган энг муносиб йигит-қизларимиз хизмат қилмоқда.

Ислом КАРИМОВ.

Абу ҲАЙҲАЕВ олган сурат.

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжу ғурбат ҳавас айлама, –
деб ёзган эдилар ғазал мулкининг султони, улуғ мутафаккир бобокалонимиз Мир Алишер Навоий она юртни мадҳ этиб. Зеро, бу ёруғ оламда Ватандек муқаддас маъво, Ватан туйғусидек олий туйғу йўқ.

Ватан деганимизда, хаёлимизга энг аввало, Широқ, Тўмарис, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби улуғ аждодларимиз яшаб ва курашиб ўтган, азиз ота-боболаримизнинг табаррук ҳоклари ётган, киндик қонимиз тўкилган муқаддас тупроқ, болалик чоғларимиз ўтган далаю даштлар, кўкламда қирғоқларида ялпизу бойчечаклар бош кўтарган, ёзда эса тўлиб-тошиб оққан анҳору сойлар, турфа гул-чечакларга бурканган, гиламдек сеп ёзган қирадирлар келади.

Ватан деганимизда, бағрида не-не сиру синоатларни ва турли маъданларни яширган, қояларида наъматаклару дўланалар майин бош силкитган залворли тоғу тошлар, ҳосили мўллигидан шохлари она заминга бош эгиб турган сахий боғу роғлар, қучоғида жамбилу райҳонлардан тортиб, камалак рангда товланувчи турли-туман гуллар хушбўй ҳид таратган гўзал чаман гулбоғлардан эсган майин саболар қалбларимизга ҳузур бахш этгандек туюлади.

Ватанни севмоқ иймондандир.
Ҳадис.

Ватан деганимизда, таниқли халқ шоири Эркин Воҳидов таъбири билан айтганда, тарихи «не асрлар ичра пинҳон» бўлган ва қадим замонлардан бери не-не босқинлару жангу жадалларнинг аччиқ азобини тортган, озодлик, эрку истиқлол йўлида не-не азиз фарзандлари қурбон бўлган ва ниҳоят аждодлар руҳи қўллаган улуғ бир Инсоннинг журъат, жасорати ила асрий орзу армонлари ушалиб, бошида Истиқлол қуёши порлаган буюк ўзбек миллати бутун бўй-басти билан кўз олдимизда намоён бўлади.

Бу нурли лаҳзаларни, гўзал Ўзбекистонимизни бор жилолари билан тасвирлаш, абадиятга муҳрлаш учун инсон буюк шоир ёки мусаввир бўлиши керакка ўхшайди гўё.

Устоз шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг:

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Тупроғин кўзимга айлаб тутиё.
Нечун Ватан дея еру осмонни
Муқаддас атайман, атайман танҳо!

деган ўтли сатрлар билан бошланувчи машҳур шеърини ёд билмаган юртдошимиз бўлмаса керак.

Халқимизнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуф эса:

О, ота маконим, Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ, Сенингдай кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга,

дея ўзининг она юртга бўлган меҳру муҳаббатини содда ва ўлмас сатрлар орқали ифода этган, гарчи қисқа умр кўрган бўлса-да, бизга Ватанни севишни, меҳру оқибатни ўргатиб кетган эди.

Мен дунёни не деб айтай?
Бу бир кўҳна боғ,
Ўз билганин сайрар бунда
ҳар қумри, ҳар зоғ,
Асло сенинг бағирларинг
кўрмайин мен доғ,
Юлдузларга осмон бўлган
эй, нурли тупроғ,
Осмонлари еру,
ери осмоним, Ватан!

деб хитоб қилади ўзининг «Ватан абадий» номли китобига киритилган бир шеърида Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид.

Хўш, энди айтинг-чи, осмонлари еру, ери осмон бўлган, таърифу тавсифи сўнмас бир достон бўлган шундай қадим, улуғ ва муқаддас заминни севмай бўладими? Унинг азиз тупроғини кўзларга тутиё айлаб, унинг тинчи, бахту саодати учун жонни тикмай бўладими?

«Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир», дейилади Бош қомусимизда.

Дарҳақиқат, Ватан, она юрт деб аталувчи ана шу улуғ ва муқаддас масканни асраб-авайлаш, унинг ҳимояси учун жон беришга-да шай туриш нафақат Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари ёки ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг иши бўлибгина қолмасдан, балки қалбида Ватан меҳри жўш урган, ўзини азиз халқининг муносиб фарзанди деб билган ҳар бир юртдошимизнинг муқаддас бурчидир. Шу боисдан, Ватан ҳимоячилари куни қайси касб эгаси бўлишимиздан қатъи назар, барчамиз учун катта байрамдир.

(Давоми 2-бетда).

УШБУ СОНДА:

Юксак мукофот соҳиблари

ЎТУ ОЛОВЛАР КЕЧИБ ...

3-бет

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда

АНЪАНА ВА ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

4-бет

Маърифат дарси

ШАНҲАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН

5-бет

«Элу юрт посбонлари – тинчлигимиз қалқонлари» танловига

ХИЛВАТДАГИ ҚОТИЛЛИК

6-бет

Хабар

4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 48-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов округларида ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференциясида сайланган депутатлар рўйхатга олинди.

Бир депутатлик мандати учун 99 та сайлов округида 4 нафардан номзод, 36 та сайлов округида 3 нафардан номзод кураш олиб борди.

Мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатига 17 миллион 215 минг 700 нафар сайловчининг фамилияси киритилиб, овоз беришда 15 миллион 108 мингдан ортиқ ёки сайловчиларнинг 87,8 фоизи қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

Тақдимот

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг нашрдан чиққан навбатдаги 4-сонида Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишланган туркум мақолалар ўрин олган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашиджон Қодиров ўз мақоласида Асосий Қонунимизга таяниб ўтказилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан кўзланган бош мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш эканлигини чуқур таҳлил қилиб берган. «Жамият ҳаётининг ҳуқуқий пойдевори» мақоласида эса Конституциямиз сайлов тўғрисидаги қонунларимизга замин бўлганлиги ўз ифодасини топган.

Маълумки, мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар авваламбор инсон манфаатларига қаратилгандир. Шу маънода Саида Жўраеванинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда, фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳақидаги фикрлари ҳам журнал муштарийларида қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Нашрнинг «Қонун ижодкорлиги» рукни остида юридик фанлар номзоди Шоназар Бердиевнинг «Гумон қилинувчининг ҳуқуқий табиати», Тошкент давлат юридик институтининг тадқиқотчиси Акрам Саидовнинг «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия қонунчилигининг либераллаштирилиши», журнал таҳририятининг катта муҳаррири Отабек Жамиловнинг «Инсон ҳуқуқлари халқаро нормаларининг Жиноят кодексида акс этиши» мақолалари берилган. Назарий масалалар бўйича ҳам журнал саҳифаларида қизиқарли тадқиқотлар билан танишасиз.

Юридик фанлар номзоди Мавлуда Эргашеванинг «Маърифатпарварлар судлар тўғрисида» номли мақоласида улуғ аждодларимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Абдурауф Фитратнинг бу борадаги қарашларини чуқур таҳлил қилади.

Бир сўз билан айтганда, журнал саҳифаларидан ўрин олган барча мақола, тақриз ва хабарлар ўз ўқувчиларининг ҳуқуқий ва маърифий онгини, маданиятини оширишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Бобомурод ТОШЕВ.

Миннатдорлик

Мен турмуш ўртоғим билан Фарғона вилояти Фарғона туманидаги Чимён қишлоғида жойлашган «Нурафшон» санаторийсига соғлигимни тиклашга бордим. Сиҳатгоҳга «ВАЗ-21063» русумли автомашинамда бориб, тўхташ жойига машиналар қаторига қўйдим. Аввалига ҳаммаси жойида эди. Аммо тунда машинадаги магнитофон, захира ғилдирак, бензин, фарзандларимиз учун олинган совғалар, жами 250 минг сўмлик буюмлар йўқолибди. Бу ҳақда Фарғона туман ИИБ бошлиғига ариза билан мурожаат қилдим.

КАСБИНГИЗДАН БАРАКА ТОПИНГ!

Ўша куниёқ тезкор гуруҳ тузилиб, ўғирликни очишга киришдилар. Кечгача давом этган қидирув ишлари натижасида йўқолган буюмлар тўла-тўкис менга қайтарилди. Жиноятни «иссиқ изида» фош этишга муваффақ бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг маҳорати нафақат бизнинг ойламиз аъзоларини, балки республикамизнинг турли жойларидан дам олишга келган фуқароларимизни лол қолдирди.

Фарғона тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Исроилжон Сайдинов раҳбарлигида терговчи, лейтенант З. Мақсудов, жиноят қидирув хизмати ходимлари Н. Ашуралиев, катта лейтенантлар А. Усмонов, Ш. Тожибоев профилактика инспекторлари, капитан Р. Талхаев ва О. Абдураҳмонов билим ва тажрибаларини ишга солган ҳолда жиноятни тез фурсатда очишди. Уларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз. Йигитлар касбларидан барака топишсин!

У. ХОЛҚУЛОВ.

Тошкент вилояти.

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Якупбай Дуйсенбаевич НАЖИМАТДИНОВ.

Якупбай Дуйсенбаевич Нажиматдинов 1958 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий ёнғин техника мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1979 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов тумани ИИБ ДЁН катта инспектори лавозимидан бошлаган. 1979–2001 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш бўлими инспектори, катта инспектори, штаб катта навбатчи-ёрдамчиси, катта муҳандиси, бўлим бошлиғининг ўринбосари, 2001–2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЁХБ бошлиғининг ўринбосари, бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари вазифасини бажарувчиси лавозимларида хизмат қилган.

* * *

Тошкент шаҳар Сирғали тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи, подполковник Алишер Тўлқунович ЮНУСОВ.

Алишер Тўлқунович Юнусов 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1989 йилда ИИВ Тошкент олий мактаби ўқитувчиси лавозимидан бошлаган. 1993–2010 йилларда ИИВ Тошкент олий мактаби катта ўқитувчиси, ИИВ Академияси касбий ва жанговар тайёргарлик кафедраси бошлиғи ўринбосари, республика ИИВ ЖҚББ тезкор вакили, катта тезкор вакили, ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ катта тезкор вакили, бўлим бошлиғининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Азиз Озодович БОБОХЎЖАЕВ.

Азиз Озодович Бобохўжаев 1969 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1991 йилда Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш гуруҳининг инспектори лавозимидан бошлаган. 1992–2010 йилларда Олмалиқ шаҳар ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, 1–ШМБ бошлиғи, Бўка тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, ИИБ бошлиғи, Янгийўл шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *

Фарғона вилояти Бағдод тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Абдужаббор Мамадиевич АБОБАКИРОВ.

Абдужаббор Мамадиевич Абобакиров 1962 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1986 йилда Тошкент шаҳар ИИБ ППХ рота милиционери лавозимидан бошлаган. 1987–2000 йилларда Тошкент шаҳар ИИБ ППХ рота милиционери, Яккасарой тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, 2000–2010 йилларда республика ИИВ ЖҚББ тезкор вакили, катта тезкор вакили, ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ катта тезкор вакили, бўлим бошлиғининг ўринбосари, Фарғона вилояти Олтиариқ тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Фарғона вилояти Олтиариқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Ахтамжон Эргашевич АМИНЖОНОВ.

Ахтамжон Эргашевич Аминжонов 1965 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1990 йилда Фарғона тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1992–2010 йилларда Фарғона тумани ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили, ЖҚБ бошлиғи, Қува тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Фарғона вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, Бағдод тумани ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *

Навоий вилояти Конимех тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Олег Туробович РАҲИМОВ.

Олег Туробович Раҳимов 1968 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1994 йилда Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими 2-МҚП навбатчиси лавозимидан бошлаган. 1995–2010 йилларда Навоий вилояти ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Хабар

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Овоз беришда сайловчиларнинг Қорақалпоғистон Республикасида 90,9 фоизи, Андижон вилоятида – 88,9 фоизи, Бухоро вилоятида – 87,1 фоизи, Жиззах вилоятида – 89,8 фоизи, Навоий вилоятида – 88,3 фоизи, Наманган вилоятида – 87,4 фоизи, Самарқанд вилоятида – 89,3 фоизи, Сирдарё вилоятида – 91,4 фоизи, Сурхондарё вилоятида – 89,1 фоизи, Тошкент вилоятида – 88,1 фоизи, Фарғона вилоятида – 85,8 фоизи, Хоразм вилоятида – 88,3 фоизи, Қашқадарё вилоятида – 88,1 фоизи, Тошкент шаҳрида – 81,9 фоизи иштирок этди.

Овоз беришда барча 135 та сайлов округида рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 33 фоизидан ортиғи иштирок этди ва сайлов қонунчилигига мувофиқ уларда сайлов ўтган, деб ҳисобланади. Овоз бериш натижаларига кўра, 96 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг 33 нафари – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан, 25 нафари – Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан, 22 нафари – Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан ва 16 нафари – Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан. Сайланган 96 нафар депутатнинг 19 нафари ёки 19,8 фоизи хотин-қизлардир.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, сайлов куни Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 39 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур овозни тўплай олмади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси 2009 йил 30 декабрь куни мазкур округларда такрорий овоз беришни 2010 йил 10 январда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинган.

(ЎзА)

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

БИР ТАН БЎЛИБ БИРЛАШУРМИЗ БАХТИНГ УЧУН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аммо бизнинг бу тинч-осойишта кунларимизни кўролмайдиган ёвуз кучлар ҳамон тинч-осойишта ҳаётимизга рахна солиш, одамлар қалбида кўрқув ва ваҳима уйғотиш мақсадида ковакларда чаёндек пайт пойлаб ётганликларини асло унутмаслигимиз керак. Бу ёвуз кимсаларнинг хуружлари туфайли не-не мард ўғлонлар қурбон бўлдилар. Элим деб, юртим деб жондан кечган ҳамкасбларимиз ҳаққи-ҳурмати янада огоҳ бўлишимиз, бу дориламон кунларни кўз қорачиғидек, асрашимиз даркор.

«Ҳозирги пайтдаги урушлар ва ҳарбий можаролар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Қуролли Кучлар аввало тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий жанговар операцияларни амалга оширишга қодир бўлиши, мамлакат иқтисодиётига, муҳим ҳаётий таъминот объектлари ва коммуникацияларга, бегуноҳ одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига жиддий зарар етказишга қаратилган қуролли ҳаракатларни содир этишда ҳар қандай бешафқат усул ва шаклларни ишга солишдан қайтмайдиган, яхши қуролланган ноқонуний жангари тўдалар ва қўпорувчи-террорчи гуруҳларга қарши самарали курашга тайёр туриши даркор», деб таъкидлаган эдилар Президентимиз Ислом Каримов.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган йиллар мобайнида ҳарбий хизматчиларимизнинг маънавий ва жанговар тайёргарлигини ошириш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Ватан ҳимоясига отланган ўғлонларимизга давлат томонидан ғамхўрликлар кўрсатилаяпти. Ҳарбий хизматчиларга тўланадиган маош миқдори тобора ошириб келинаяпти. Уларнинг янги турар жойлар билан таъминланиши, фидойи ходимларнинг давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши, муддатли ҳарбий хизматдан ижобий тавсифнома билан қайтган йигитларга олий таълим муассасаларига киришда яратиб берилаётган имтиёзлар шулар жумласидандир. Бу ғамхўрликлардан руҳланган ҳарбийларимиз ўз олдиларига қўйилган шарафли ва масъулиятли вазифаларни фахр-ифтихор билан адо этиб келмоқдалар.

Ҳа, Ватан ҳимояси – энг олий шараф. Қалбида элу юрт меҳри ловуллаб турган мард ва фидойи фарзандларгина Ватанни ишончли ҳимоя қила оладилар. Бас, шундай экан, «Баркамол авлод йили» деб номланган ушбу йилда ёшларимизни аждодлар жасоратига содиқлик, Ватанга муҳаббат ва бурчга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий ва жисмоний тайёргарлигини ошириш ҳар биримизнинг олдимизда турган энг муқаддас ва шарафли ишимиз бўлмоғи зарур.

Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган ислоҳотлар туфайли мамлакатимизнинг мудофаа қудрати янада мустаҳкамланяпти, ҳарбий хизматнинг нуфузи янада ошмоқда. Бир вақтлар отаоналар жойлардаги вилоят, шаҳар-туман мудофаа ишлари бўйича бўлимларга фарзандларини ҳарбий хизматдан олиб қолишни илтимос қилиб борган бўлсалар, бугунги кунда эса ўғлонларини ҳарбий хизматга юборишни талаб қилиб боришмоқда. Биргина шу мисолнинг ўзи ҳам Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш юксак шарафга айланганидан дарак беради.

Халқимиздаги «Мардлар кўриқлайди Ватанни» деган нақл бугунги кеча-кундузда том маънода ҳақиқатга айланди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, бу кўҳна юрт мардларининг мадҳи минг-минглаб китобларга сиғмай келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади, иншооллоҳ.

Бугун ўзини жонажон Ўзбекистоннинг ҳақиқий фарзандиман деб билувчи ҳар бир юртдошимизнинг қалбида қуйидаги ўтли туйғулар жўш ураётган бўлса ажабмас:

Аму, Сирдай сирлашурмиз
бахтинг учун,
Бир тан бўлиб бирлашурмиз
бахтинг учун,
Керак бўлса, жон тикурмиз
бахтинг учун,
Саждагоҳим, муқаддас
иймоним – Ватан,
Борим – Ватан, шоним –
Ватан, жоним – Ватан!

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
полковник.

Янги йил шодиёналари

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВда бўлиб ўтган Янги йил байрами болажонлар қалбини беҳад тўлқинлантириб юборди. Қорбобо ва Қорқизнинг чиқишлари, болалар билан бирга чиройли қилиб безатилган арча атрофини айланиб, рақс тушишлари уларга завқ-шавқ бағишлади.

Айниқса, Президент совғалари кичкинтойларнинг қувончига-қувонч қўшди. Шунингдек, қаровсиз қолган, ёлғиз яшовчи фахрийлар ва хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларига берилган байрам совғалари ҳам улар учун унутилмас воқеа бўлди.

Ёш томошабинлар театри ва республика ИИВ бадиий ҳаваскорлик тўгараги ходимлари томонидан тайёрланган ранг-баранг театрлаштирилган байрам дастури нафақат болажонларда, балки бошқаларда ҳам илиқ таассурот қолдирди.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ

Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ходимларнинг фарзандлари учун Арча байрами ўтказилди. Болажонлар ва барча қатнашчиларни мактаб бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор, генерал-майор М. Собиров Янги йил билан табриклади.

Шундан сўнг тадбирнинг энг қувончли дамлари бошланиб, Арча байрами меҳмонлари – қувноқ масхарабозлар даврага кириб келишди. Улар томонидан ижро этилган бир-биридан қизиқарли чиқишларни кичкинтойлар мароқ билан томоша қилишди ва ҳамоҳанг рақсга тушишиб, қувноқ савволларга зукколик билан жавоб беришди. Шундан сўнг Қорбобо ва Қорқиз совғалар билан кириб келишиб, болажонларни хушнуд этишди. Кичкинтойлар ўз навбатида жонажон юртимиз, қиш фасли, болаликнинг беғубор дамларини эътироф этувчи шўхшодон шеърлари, қўшиқлари билан даврага ўзгача файз киритди.

Ўғил-қизлар иштирокида қувноқ мусобақалар, викторина баҳслари ўтказилди. Ғолиблар алоҳида махсус совринлар билан тақдирланишди.

Ўктам ХОЛИҚОВ,
капитан.

АРЧА АТРОФИДА

Республикамизнинг ички ишлар идораларида ходимларнинг фарзандлари учун Янги йил байрами кенг нишонланди. Қуйида жойлардан олинган хабарлар билан танишасиз.

ТЕРМИЗ. Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбариятининг ташаббуси билан соҳа ходимларининг фарзандлари иштирокида Янги йил байрами бўлиб ўтди. Байрамона безатилган арча атрофида Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри актёрлари ижросида турли эртак қаҳрамонлари қатнашган саҳна кўринишлари намойиш этилди ҳамда болакайларга вилоят ИИБ томонидан тайёрланган совғалар улашилди.

– Бундай тадбирларнинг ўтказилиши фарзандларимизга бўлган эътиборнинг яна бир намунасидир, – дейди тадбир иштирокчиси Зебо Мирзақулова. – Ташкил этилган байрам мен қатори, бошқа отаоналарни ҳам хурсанд қилиб юборди. Бунинг учун уларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Очилди ОЙНАЗАРОВ.

* * *

УРГАНЧ. Хива тумани ИИБ ходимлари ва шаҳардаги 20-Меҳрибонлик уйи ўртасида яхши алоқа ўрнатилган. Яқинда ушбу тарбия масканида Арча байрами ўтказилди.

– Болаларнинг қалби беғубор, осмондек тоза. Улар билан суҳбатлашиб, дилим яйрайди, – дейди Хива тумани ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, майор Шомурод Абдуллаев. – Айниқса, уларнинг билим олиш ва касб ўрганишга бўлган қизиқишларини кўриб, яна ҳам хурсанд бўлдик. Байрам тадбирида қатнашиб, улар билан осойишталик посбонларининг оғир, машаққатли, шу билан бирга, шарафли ишлари ҳақида гапириб бердим. Уларда касбимизга бўлган қизиқиш уйғонди.

Байрам шоду хуррамлик билан ўтди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
майор.

* * *

ҚАРШИ. М. Тошмуҳаммедов номли вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтган арча байрамига ички ишлар идораларида фаолият кўрсатаётган ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари, боқувчисини йўқотган, ногирон фахрийларнинг фарзандлари ҳам таклиф этилиб, уларга байрам совғалари тарқатилди.

Болажонларга театрлаштирилган томошалар жуда манзур бўлди. Қорбобо ва Қорқизнинг узоқ юртлар оша йўлда учраган қора кучларнинг қаршилигини енгиб ўтиши, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қилиши болажонлар қалбида катта таассурот уйғотди.

Содиқ РАҲИМОВ.

АНДИЖОН. Вилоят «Лола» қўғирчоқ театрида бўлиб ўтган Янги йил томошаларига вилоят ИИБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида вақтинча тарбияланаётганлар таклиф этилди.

Томоша «Олтин балиқча» ҳақидаги эртак билан бошланди. Қари чол-кампир тақдир тақозосига кўра, бизнинг замонамизда пайдо бўлиб қолишади. Кампир болаларни кўриб хурсанд бўлиш ўрнига турли йўллар билан уларнинг кайфиятини бузишга ҳаракат қилади. Қора мушук ва тулкини ўзига ёрдамчи қилиб олади. Бироқ чол олтин балиқча ёрдамида уларни сахий, олижаноб қаҳрамонларга айлантиради. Томоша сўнггида Қорбобо ва Қорқиз болаларга совғалар улашишди.

– Бу қувноқ байрам ва Янги йил совғаларини ташкил этишда Андижон шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари яқиндан кўмак беришди, – дейди вилоят ИИБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи, подполковник Ф. Отабоев. – Марказ тарбиячилари байрам дастури ҳамда карнавал костюмларини тайёрлашда фаол иштирок этишди.

Борис КЛЕЙМАН.

Шукрона

Қарийб чорак аср ички ишлар идораларида хизмат қилдим. Юртимизда тинчлик, осойишталикни сақлаш йўлидаги улуғвор ишларга озгина бўлса-да, ҳисса қўшиб, шу азиз Ватанимизнинг фуқароси сифатида бурчимни бажариб, кўплар қаторида нафақага чиққанимдан фахрланаман. Юртимизда инсон қадриятига катта эътибор берилаётганини амалда кўриб, ундан бахраманд бўлаётганларнинг бири сифатида шу кунларга етиб келганимга шукрона айтаман.

ҒАМХЎРЛИКДАН МАМНУНМИЗ

Ички ишлар идоралари фахрийларига доимо ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти томонидан ҳам бу борада кўплаб хайрли ишлар қилинмоқда. Шулар қаторида менга ҳар йили саломатлигимни тиклаш учун санаторийларга йўлланма беришади. Ўтган йили Намангандаги республика физиотерапия сиҳатгоҳида ҳамда Тошкентдаги «Чинобод» санаторийсида даволандим. Биз фахрийлар нафақа пулини ўз вақтида олиб турибмиз.

Президентимизнинг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилингани мамлакатимизда кекса авлодга кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборнинг яна бир намунаси бўлди. Энди пенсия ёшига етган фуқароларимиз нафақага чиқишда айрим оворагарчиликларга учрамайдиган бўлишди. Республикамизнинг ҳар бир шаҳар ва туманлар ҳокимликларида ташкил этиладиган айнан нафақа масалалари билан шуғулланадиган Пенсия жамғармаси барча масалаларни ҳал этиб беради. Бундан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Инсон кимдандир яхшилик, ҳурмат-эътибор кўрса, ўтган умридан ва шу улуғ давлатда яшаётганидан бахтиёр бўларкан. Байрам ва қутлуғ кунларда турли идоралар раҳбарияти томонидан совғалар бериб турилибди. Қаерга бормайлик ҳурматимизни жойига қўйишяпти. Ҳар кимга кексайганда ана шундай иззат-икром насиб этсин.

Нурмуҳаммад ЭҒАМОВ.

Жиззах вилояти.

Юксак мукофот соҳиблари

Ҳар бир оиланинг тинчлик-хотиржамлиги маҳалланинг, маҳалла тинчлиги эса мамлакатнинг барқарорлигидан далолатдир. Юртимиз осойишталигини асраш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш эса ички ишлар идоралари ходимлари ўз вазифаларини қай даражада бажаришларига ҳам бевосита боғлиқдир. Бу борада ички ишлар идораларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари билан бир қаторда, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг зиммасига ҳам катта масъулият юкланган.

ЎТУ ОЛОВЛАР КЕЧИБ ...

Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ ходимлари юртдошларимиз хонадонларини, корхона ва ташкилотлар биноларини ўт балосидан асраш, фуқароларимизга ёнғин хавфсизлиги борасидаги қонун-қоидаларни тушунтириш юзасидан бир қатор ижобий ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Соҳа ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ўтган давр мобайнида вилоят худудида юз бераётган ёнғинлар сонининг сезиларли даражада камайишига эришилди. Бошқарманинг хизмат фаолиятида ютуқларни қўлга киритган намунали ходимлари ҳукуматимиз ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан муносиб рағбатлантирилиб келинмоқда. Вилоят ИИБ ЁХБ ёнғиннинг олдини олиш ва ёнғин назоратини ташкил этиш бўлими бошлиғи, подполковник Носир Исроилов ҳам ана шундай ходимлардан бири. У 2009 йилда "Ватан ҳимоячилари куни" байрами арафасида Юртбошимизнинг Фармонига кўра, "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Подполковник Н. Исроиловнинг фидойи хизматларига берилган юксак баҳо, шубҳасиз, бошқарма шахсий таркибига нисбатан билдирилган эътибор ва ишончдан далолатдир.

– Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими аввало, чуқур билим ва тажриба ҳамда юксак касбий маҳорат эгаси бўлиши лозим, – дейди "Шуҳрат" медали соҳиби, подполковник Н. Исроилов. – Менга, ҳозирда истеъфодаги ички ишлар ходимлари В. Лукин, М. Иноятов, В. Османов, С. Шодибеков ва А. Алиматов каби устозларим айнан шундай таълим беришган. Шу ўринда менинг озми-кўпми муваффақиятларга эришишимда аввало, шу соҳада хизмат қилишимни истаган ота-онамнинг меҳнатларини алоҳида эътироф этишни истайман. Отам жуда қаттиққўл ва талабчан инсон эдилар. Таълим-тарбия масаласида ўз қарашлари бўлиб, фақат аъло баҳоларга ўқишимизни, ўғил болаларнинг эса спорт билан мунтазам шуғулланиши лозимлигини уқтирардилар. Шунинг учун ҳам оиламиздаги болаларнинг сурати мактабдаги аълочиларнинг ибрат тахтасидан тушмасди.

Ёшликдаги орзуга эришиш йўлида инсон астойдил ҳаракат қилса, албатта, ўйлаган яхши ниятларига етиши тайин. Болалигидан ота касбига ҳавас қилиб улғайган Носир Исроилов 1983 йилда пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 114-сонли ўрта мактабни олтин медаль билан битиргач, Қозоғистоннинг Алмати шаҳридаги Ёнғин хавфсизлиги техник билим юртига ўқишга кирди. Отасининг подполковник даражасигача етишгани ҳам унинг пухта билим эгаллаш йўлидаги масъулиятини икки ҳисса оширгани бор гап. Шунинг учун у ушбу билим юртини аъло баҳолар билан якунлаб, Тошкент вилоятининг Қуйичирчиқ тумани ИИБ ЁХБ инспектори лавозимида хизмат фаолиятини бошлади.

– Одамзод яралибдики, олов унинг ҳамиша ҳамроҳи бўлиб, асрлар оша инсонни совуқдан асраб, кундалик ҳаётида яқин дастёри бўлиб келган. Лекин баъзан унинг бошига фалокат ҳам солган. Орадан йиллар, асрлар ўтса-да, кундалик турмушимизда ҳамон ёнғинлар содир бўлмоқда. Энг ачинарлиси эса, ёнғин билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг асосий қисмига аввало, инсоннинг ўзи сабабчидир, – дейди подполковник Носир Исроилов. – Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларида, кўпроқ турли хилдаги электр жиҳозларидан ва газ иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида юз бермоқда. Бу жараёнда ҳар бир ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимининг асосий мақсади – энг аввало, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш ва шу орқали ёнғинлар сонини камайтиришдан иборатдир.

Шунинг учун ҳам у қайси лавозимда ишламасин, доимий равишда кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида жойларда бўлиб, ёнғинларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлашга, аҳоли билан ҳамкорликда бу камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга, энг муҳими эса, мана шундай камчиликлар қандай салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, ёнғинларнинг олдини олишда аҳоли ўртасида ўтказилаётган кенг кўламдаги тушунтириш ишларининг аҳамияти катта. Бу масалага, айниқса, болалар ўртасида кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Чунки болаларга ёнғин хавфсизлиги қоидалари қанча эрта ўргатилса, содир этилиши мумкин бўлган турли кўнгилсизликларнинг олдини олишга шунчалик кўп ҳисса қўшилган бўлади. Шу боис ҳам кўпроқ мактабларда, мактабгача тарбия муассасаларида бўлиб, кичкинтойларга ёнғин хавфсизлигининг ҳаёт учун муҳим бўлган қоидаларини ўргатди. Ёшликда берилган билим, ўргатилган ҳар қандай кўникмалар, айтиш мумкинки, уларнинг ёдидан чиқмайди.

– Юқорида айтганимдай, бу касбда билим ва тажриба энг асосий мезон саналади, – дейди Н. Исроилов. – Қолаверса, ходимнинг ҳар бир фуқаро билан қандай муомалада бўлиши ҳам хизматнинг нуфузи ва касбнинг обрўсига таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун ҳам ёш ходимларга соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган, тажрибали мураббийлар бириктирилиб, уларга касб сир-асрорларини ўргатиб борилишига алоҳида аҳамият берилади. Устоз-шогирдлик анъаналари ривож топган жамоада эса, эндигина таълим муассасасини битириб ишга келган ёш ходимларнинг назариядан амалиётга кўникишлари осон кечади. Кези келганда, касбини ардоқлаб, устозлар ўгити билан ўз билим ва тажрибаларини бойитиб бораётган, ҳамкасбларимиз, капитанлар Қобил Аширов ва Жаҳонгир Содиқовларни бошқа ҳамкасбларига ўрнак сифатида айтиб ўтишим мумкин.

Бугунги кунда подполковник Н. Исроилов тарбиялаб етиштирган кўплаб шогирдлари вилоят ИИБ ЁХБнинг турли бўлим ва бўлинмаларида самарали хизмат қилишмоқда.

Хуршид РЎЗИЕВ.

Тошкент вилояти.

Инсон ҳуқуқлари – муқаддас

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Мамлакатимиз тараққиёт йўлидан бораётгани халқ фаровонлигини яхшилаш билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётга бўлган муносабатини ҳам мазмунан бойитмоқда. Ички ишлар идораларида «Ишонч телефонлари» жорий этилгани тизимдаги интизом ва қонун бузилишлар, инсон ҳуқуқлари поймол этилишига қарши курашиш, жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларини «иссиқ изида» очишда жуда қўл келмоқда. Айниқса, бу жараёнларда аҳоли фаоллиги ошаётгани диққатга сазовордир. 2009 йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ тизимидаги мавжуд 17 та «Ишонч телефони»га 580 дан ортиқ қўнғироқлар бўлган.

Қўнғирот тумани ИИБ навбатчилик қисмидаги «Ишонч телефони»га сим қоққан киши бозордаги дўконлардан бирининг ёнида шубҳали шахс анчадан бери ўралашиб юрганини маълум қилди. Тезкор гуруҳнинг кўрсатилган манзилга ўз вақтида етиб бориши Дилноза исмли аёл томонидан амалга оширилаётган ўғирликнинг пайини қирқди.

Қизил жар ҳудудидаги тўқайзорга ўт кетгани ҳақида «Ишонч телефони»га хабар қилиниши билан тезкор чоралар кўрилди. Бунинг натижасида ёнғин катта талофатларсиз ўз вақтида бартараф этилиб, бунга сабабчи бўлган шахслар ушланди. Навбатчилик қисми инспектори ташвишли жиринглаётган «Ишонч телефони» гўшагини кўтариши билан бир кишининг ҳаяжонли овози эшитилди. «Қўнғирот» овул фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган асфальт йўл ёқасида бир одам жонсиз ётибди», деди у. Тезкор гуруҳ оёққа қалқди. Тезкор-суриштирувлар чоғида йўл-транспорт ҳодисаси содир этилгани аниқланиб, номард ҳайдовчи – Амирбай қўлга олинди.

Элликқалъа тумани Қирққизобод овулида яшовчи Ўктам Тошкент вилоятига ишлагани бориб, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, яна ўғирликка қўл уради. У жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида Россияга қочиб кетади. Унга нисбатан қидирув эълон қилинади. Орадан маълум вақт ўтгач, ўзга юртда ниҳоятда қийналган Ўктам ҳамма нарса унут бўлиб кетди, Тошкентда қилган жиноятимни бу ерда ким билиб ўтирибди, деган ўй билан уйига қайтади ва дўстининг тўйида қатнашиб, кўнглини чоғ қилади. Туман ИИБ навбатчилик қисмидаги «Ишонч телефони»нинг шошилинч жиринглаши ва унда билдирилган хабар асосида тезкор гуруҳ Ўктамнинг тараллабедодлигига чек қўйди.

Тўрткўл тумани ИИБ навбатчилик қисмидаги «Ишонч телефони»га келиб тушган хабарда Мискин овулида бўлаётган босқинчилик ҳақида маълум қилинди. Тезкор гуруҳнинг воқеа жойига зудлик билан етиб бориши тижорат ишлари билан Тўрткўлга келган бухоролик Замиранинг жонига оро кирди. Аслида Абажон Дурдиев номли овулида яшовчи, ёлланма меҳнатни ихтиёр этиб, бу ерга келгач осон пул топишни кўзлаган Карим кучини аёлга кўрсатиб, унинг тилла тақинчоқлари, уяли телефони ва пулларини олмоқчи бўлган. Бир юртдошимизнинг фаоллиги, фуқаролик бурчига масъулият билан ёндашгани самара берди.

Тун пардаси борлиқни қоплаган пайтда Тахиатош шаҳар Ситмуратов кўчасида яшовчи фуқароларнинг тинчи бузилди. Тоғни урса талқон қиладиган, лекин хурмача қилиғи билан асабни бузувчи алпқомат бир йигит маст ҳолда шовқин кўтарарди. Уни узоқдан кўрганлар рўпара келишдан чўчиб, кўчани айланиб ўтишарди. Фаол фуқаролардан бири шаҳар ИИБ навбатчилик қисмидаги «Ишонч телефони»га сим қоқиб, вазиятдан воқиф этди. Кутилмаганда қаршисида пайдо бўлган ички ишлар ходимларини кўрган, шу кўчада яшовчи 24 ёшли Ж. Тимурнинг дами ичига тушиб кетди. Унга маъмурий тартибда тегишли чора кўрилди. Шунингдек, шаҳарнинг Кобланов, Жамбил ва Шамширак кўчаларида яшовчи Г. Хемра, Б. Берик ва У. Муҳитлар ҳам улфатчилик қилиб, ичкилик таъсирида дуч келган одамни ҳақорат қилишарди. Яна тезкор ходимлар фуқароларнинг жонига оро кирди. Кўча безориларига нисбатан тегишли чора кўрилди.

«Ишонч телефони»нинг навбатдаги жиринглашидан сўнг темир йўл бошқармасига қарашли касалхонанинг иситиш қозонхонасига бир гуруҳ енгилтак қизлар йиғилгани маълум бўлди. Тезкор гуруҳ кўрсатилган манзилга боргач масала ойдинлашди. Илгари ҳам қўшмачилик билан шуғулланган учун суд томонидан тегишли жазо олган, аммо бундан тегишли хулоса чиқармай, шу нопок ишга такроран қўл урган Бибигул ва унинг дугоналарининг боши яна эгилди.

Маълумки, «Ишонч телефонлари»га келиб тушган ҳар бир хабар қайд қилиб борилади. Ўтган йили олинган хабарлар асосида 22та жиноят иши қўзғатилгани, 326 марта маъмурий тартибда чора кўрилгани ҳам бу омил самара бераётганини кўрсатиб турибди.

Таъкидлаш жоизки, «Ишонч телефонлари»га турли қонунбузарликлар ҳақида хабар бераётганларнинг шахси сир сақланиши кафолатлангани ички ишлар идоралари ва фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг янада кучайишини таъминламоқда

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

Қорақалпоғистон Республикаси

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР – ДАВЛАТИМИЗ – ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркиби ўзларининг касб байрамларининг 18 йиллигини тантанали равишда нишонлаш арафасида турибди. Ўтган қисқа давр мобайнида юртимизда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган Дастурга мувофиқ кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилиб, замон талабларига жавоб берадиган миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимига ўтилди. Шулар қаторида қўшинлар таркибини замонавий ҳарбий-техника, қурол-яроғ, махсус алоқа воситалари ва компьютер техникалари билан таъминлаш, ўз касбини профессионал даражада эгаллаган, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қила олиш қобилиятига эга бўлган ҳарбий кадрлар билан жамлаш ишларига катта эътибор қаратилди. Қўшинларимизда ҳарбий ислоҳотлар бугунги кун талаблари даражасида олиб борилмоқда.

Йилдан-йилга ҳарбий хизматчиларнинг нуфузи, обрўси халқ орасида тобора ортиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Эгнига ҳарбий либос кийиб, эл-юрт хизматида бўлишни ҳар бир йигит-қиз орзу қиляпти. Ҳарбийлик шарафли касбга айланиб бормоқда. Бу борада Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Эндиликда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди, десак муболаға бўлмайди", деган сўзларини келтириб ўтишни ўринли деб ҳисоблайман.

2009 йил биз учун ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шахсий таркибнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва тарбиялаш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Шахсий таркибнинг шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар билан жамланиши режа асосида олиб борилмоқда. Маълумки, бундан буён миллий армиямиз таркибида асосан шартнома асосида хизмат қилувчилар бўлишини назарда тутсак, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ ҳарбий хизматга номзодларни танлаш масаласининг нақадар муҳимлигини сезиш қийин эмас. Чунки, миллий армиянинг сифат таркиби, келажаги мана шу ҳарбий хизматчиларга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул қўшинлари тизимида ҳам халқимиз осойишталиги ва тинчлигини таъминлашда намунали хизмат қилаётган ходимлар кўпчиликни ташкил қилади. Ўтган йилда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан полковник Бахтиёр Файзиев II даражали "Шон-шараф" ордени-га, майор Шуҳрат Шамсуддинов ва сержант Баҳром Тошпўлатовлар "Жасорат" медалига, подполковник Алиёр Ҳайдаров ва катта сержант Маҳамаджон Қўчқоровлар "Содиқ хизматлари учун" медалига, сержант Зиёдилло Муқимов эса "Шуҳрат" медалига сазовор бўлган эдилар.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида эса Президентимизнинг Фармонига кўра полковник Игорь Косенков "Дўстлик" ордени билан, республика Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан катта сержант Маннон Бадалбоев "Содиқ хизматлари учун" медали билан мукофотландилар. Шу билан бирга, намунали хизмат қилиб ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси учун полковниклар Муит Фозилов, Анвар Мусаев (ҳозирда истеъфода) подполковниклар Олег Ким, Анвар Бердиев, майор Шавкат Толипов ва капитан Акром Шукуровлар "A`lo xizmatlari uchun" кўкрак нишони билан тақдирландилар. Айнан шундай фидойи инсонларнинг самарали хизмати билан Қуролли Кучлар давлатимиз ва жамиятимизнинг чинакам таянчи сифатида юртдошларимизнинг ҳурматэҳтиромини қозонмоқда. Бундан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Қоровул қўшинлари ҳарбийлари олдида турган хизмат вазифалари ҳақида гапирадиган бўлсак, уни бир сўз билан – жанговарликда дейишимиз мумкин. Ҳарбий хизматчиларимиз гарчи ҳозир замон тинч бўлса-да, ўз вазифалари бўйича хизматни доимий равишда жанговар ҳолатда қурол билан ўтайдилар. Бу эса ўз навбатида шахсий таркибдан сергаклик, эҳтиёткорлик, жанговар ва руҳий тетикликни талаб қилади.

Дарҳақиқат, ҳарбий жамоаларнинг ўз олдиларига қўйилган жанговар хизматларини шу кун талаблари даражасида олиб боришлари кўпроқ уларнинг ҳарбий низом талабларига қанчалик амал қилишларига боғлиқ. Ҳар бир ҳарбий хизматчи жамоанинг кичик аъзоси сифатида низом қоидаларига амал қилиб, зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан уддалар экан – бу албатта, ютуқларга олиб келади.

Ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳоратларини ошириш энг асосий вазифалардан бири бўлиб, бу борада офицер ва сержантларимиз ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида, Қуролли Кучлар сержантлар тайёрлаш мактабларида ўз билим ва малакаларини янада мустаҳкамлаяптилар. Бугунги кунда улар шахсий таркибни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, замонавий ҳарбий-техника ва қурол-яроғдан пухта фойдаланиш сир-асрорларини ўргатишда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов ҳарбий хизматчиларнинг нафақат соғлом ва жисмонан бақувват, балки замонавий ҳарбий техникани бошқаришни ўзлаштириб олган, шу билан бирга, юксак ақл-заковат, иродали, Ватани ва халқига садоқатли, маданиятли ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлишлари лозимлигини доимо уқтириб келади. Биз ҳар бир ишда шунга қатъий амал қилиб келамиз. Шу боисдан ҳам шахсий таркибнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, уларни маърифатли, маънавий етук ва маданиятли ходимлар сифатида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратамиз. Бунинг учун ҳарбий қисмлар шахсий таркиби ичида тарбиявий, ҳуқуқий, маърифий ва маданий ишларнинг барча кўринишларидан унумли фойдаланяпмиз.

Бу борада мудофаага кўмаклашувчи республика "Ватанпарвар" ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармаси вакиллари ҳамда таниқли ёзувчи ва санъаткорлар иштирокида ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ҳар йили "Энг илғор касб мутахассиси" кўрик-танловининг ўтказилиши ижобий самара бермоқда. 2009 йил декабрь ойида ўтказилган "Энг илғор касб мутахассиси" кўрик-танловининг Қуролли Кучлар тизимида ўтказилган якунловчи босқичида майор С.Ҳайитов "Энг илғор батальон командири", капитан Ж.Сагдуллаев "Энг илғор взвод командири", катта лейтенант И.Раҳмонов "Энг илғор гуруҳ командири", сержант Р.Усенов эса "Энг илғор сержант" номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

Ўтказилаётган мусобақалар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, қисмларимиз шахсий таркиби сафларида йилдан-йилга жанговар хизмат аълочилари, билим ва тажрибали, ўз касбини виждонан бажаришга мойил ҳақиқий ватанпарвар ҳарбий хизматчилар сони ошиб бормоқда. Уларга яратилаётган шарт-шароитлар сифати ҳам янада яхшиланмоқда.

Ҳозирда Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматнинг нуфузи ниҳоятда ошиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас албатта. Уларнинг моддий таъминоти йилдан-йилга яхшиланаётганлиги айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга берилаётган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги Қарорига мувофиқ ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлик машғулотларида сафдошларига намуна бўлган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун тест синовларида тўпланган энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдоридаги тавсияномаларга эга бўлишлари юқоридаги фикримиз далилидир. Ёшлар ана шу имкониятлардан самарали фойдаланмоқдалар.

Аскарларнинг олий ўқув юртларига ўқишга киришга тайёрланишлари учун ҳарбий қисмларда барча зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, кутубхона ва компьютер хоналари улар ихтиёрида.

Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг озиқ-овқат ва яшаш шароитларига ҳам катта эътибор қаратилган. Улар ёруғ, шинам ва барча қулайликларга эга бўлган ётоқхоналар, спорт билан шуғулланишлари учун эса энг замонавий спорт анжомлари билан таъминланган.

Шуни фахр ва ғурур билан айтишимиз мумкинки, тизимда хизмат қилаётган йигитларимиз нафақат республика, балки жаҳон миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақаларида ҳам фаол қатнашиб етакчи ўринларни қўлга киритишмоқда. Кичик сержант Дилшод Чориев Хитой Тайпейида бўлиб ўтган дзюдо бўйича Осиё чемпионатида кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Голландиянинг Амстердам шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида эса мусобақанинг бронза медалини қўлга киритди. Шунингдек, Қозоғистоннинг Астана шаҳрида қўл жанги бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда катта лейтенант Н.Турдиев фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Юқорида Қуролли Кучлардаги ислоҳотлар негизи ва туб моҳияти ҳақида қисқа гапириб ўтган бўлсак-да, аммо бу борада амалга оширилаётган ишларимиз кўлами анча кенгдир.

Қоровул Қўшинлари ҳарбий хизматчилари ўзларининг командирлик қобилиятлари ва сифатлари билан ажралиб туришлари, соҳанинг етук мутахассиси, замонавий ҳарбий билимга эга бўлган, фуқаролар ўртасида юксак ҳарбий маданият ва маънавият тарғиботчилари бўлишлари керак. Шуларга қўшимча тарзда шуни айтиш мумкинки, замонавий ҳарбий хизматчи энг аввало, Ватани, халқи олдидаги ўз бурчини ва унинг тинчлиги ҳимоячиси деган номни чуқур англаши ва ҳис қилиши лозим.

Жорий йилда олдимизда янада муҳим вазифалар, яъни ҳарбий хизматчиларнинг жанговар қобилиятини ошириб бориш, уларни жисмонан соғлом ва маънан етук ходимлар қилиб тарбиялаш, соҳанинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашдек муҳим вазифалар турибди.

Айниқса, жорий йилга "Баркамол авлод йили" деб ном берилгани ҳарбий хизматчиларга катта масъулият юклайди. Чунки тизимда хизмат қилаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг интеллектуал салоҳиятларини ошириб бориш олдимиздаги энг муҳим вазифалардан бўлиб, бу борада Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек: "Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак – биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди", деган сўзлари биз учун дастурламал бўлиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни билан Қуролли Кучларимиз сафларида Ватанимиз сарҳадларини мардонавор ҳимоя қилиб келаётган барча ҳарбийларни, фахрийларни чин қалбимдан табриклайман.

Дмитрий ПАН,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондони, полковник.

Ҳамкорлик

Маълумки, бирор соҳани ривожлантиришнинг мазмун-моҳиятини манфаатдор ташкилотлар билан боғланган узвий ҳамкорлик белгилайди. Буни кўпроқ иқтисодий соҳада янада теранроқ англаймиз. Келажагимиз бўлмиш ёшлар тақдирига бефарқ бўлмаган қатор вазирликлар ва ташкилотларнинг ўзаро мустаҳкам ҳамкорлиги натижасида амалга оширилаётган ибратли ишлар дилни хушнуд этади.

ЁШ АВЛОДГА ЭЪТИБОР

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ҲООБ ВЕОҲООГ томонидан берилган маълумотга кўра, ёшларнинг эътиборсиз, назоратсиз қолиши, улар орасида турли кўринишдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотининг Қорақалпоғистон бўлими, ҳокимликлар, хотин-қизлар ташкилоти, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Аниқ мақсадларга қаратилган, биргаликда ишлаб чиқилган тадбирларнинг мунтазам ўтказиб борилиши сезиларли самара бераётгани билан яққол кўзга ташланади. Ўтган йил мобайнида шаҳар ва туманлар ИИБ ҲООБ ВЕОҲООГ хизмат хоналарига 2000 нафарга яқин ўсмирлар келтирилиб, олиб борилган профилактик суҳбатлар жараёнида аниқланган камчиликлар бўйича ҳокимликлар қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, Халқ таълими вазирлиги, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ва ота-оналарга тегишли кўрсатмалар берилди. Бундан ташқари, турли сабабларга кўра ижтимоий ҳаётдан орқада қолаётган ёшлар махсус ўқув ўринларига ва Хўжайли шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйига жойлаштирилди. ВЕОҲООГ инспекторлари томонидан 400 нафарга яқин ўсмир ва фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган 70 нафардан ортиқ ота-оналар профилактик ҳисобга олинди.

Республикада бўлиб ўтган «Ёшлар орасида гиёҳвандлик моддаларининг тарқалишига қарши кураш» ойлиги ҳам ҳамкорликнинг мевасидир. Кенг кўламдаги тадбирлар маданий ва бадиий жиҳатдан бойитилди. Ўз вақтида кўтарилган бу мавзу ёшлар онгига тез етиб боришига имконият яратди.

Келажак авлодни етук инсонлар қилиб камол топтиришда жойлардаги профилактика инспекторларининг ҳам муносиб хизмати бор. Республика ҳудудидаги 200 та милиция таянч пункти қошида ташкил этилган 170 та спорт тўгаракларида бугунги кунда 3000 нафарга яқин ёшлар шуғулланишади. Шунингдек, ВЕОҲООГ инспекторлари томонидан профилактик ҳисобга олинган 290 нафар ўсмир ҳам бу жойларда жисмонан ва руҳан чиниқишмоқда.

Ёшлар учун ҳукуматимиз ҳеч нарсани аямаяпти. Кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда шаҳар ва туман ИИБлари профилактик ҳисобида турган тарбияси оғир болаларни Ватанга содиқ, комил инсон қилиб тарбиялаш, бошланғич ҳарбий аскарликка тайёрлаш, бунинг негизида улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида Тахиатош шаҳрида жойлашган «Айдин жол» оромгоҳида ҳарбий спорт лагери ташкил этилди. Ўтган йилнинг 16 – 23 август кунлари лагерда 70 та бола кўнгилдагидек хордиқ чиқарди. Бу ҳам албатта республика Прокуратураси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа ишлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимлари томонидан ҳамкорликда қилинган саъй-ҳаракатлар натижаси эканлигини таъкидлаш зарур.

Биргаликда ташкил этилаётган тадбирларга уруш ва меҳнат фахрийлари, адабиёт ва санъат намояндалари, олимлар ва дин уламолари жалб қилинаяпти. Турли мавзуларда ўтказилаётган кўрик-танловлар ҳам яхши самара бермоқда.

2009 йилда вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятлар 2008 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда сезиларли равишда камайишига эришилгани фикримизнинг исботидир.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ,
ўз мухбиримиз.

Огоҳлик – давр талаби

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

Сурхондарё вилоятининг Музработ тумани мамлакатимизнинг энг жанубий сарҳади ҳисобланади. Қўшни Афғонистон ва Туркманистон Республикалари билан давлатимиз чегаралари худди шу ердан бошланади. Чўл бағрида шаҳарлар барпо этган, ғалла ва пахтадан юксак хирмон кўтарган, боғу бўстонлар яратган ана шу табаррук замин одамлари тинчлиги, осойишталигини таъминлаш, ҳудудда намунали жамоат тартиби ўрнатиш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш ички ишлар ходимларининг муҳим вазифаси бўлиб келаётир.

Туман ИИБ томонидан қатор профилактик тадбирлар амалга оширилаяпти. Уларнинг номи, мазмуни ҳар хил, аммо моҳияти ягона мақсадга йўналтирилган. Булар огоҳликка даъват, ҳушёрлик, теварак-атрофдагиларга эътиборли бўлиш, олис қишлоқ ва овулларда яшовчи фуқаролар осойишталигини таъминлаш, хавфсизлик чораларини кўришдан иборат.

Қатор маҳалла, коллеж, лицей ва мактабларда ўтказилаётган учрашувларда асосий эътибор фуқароларни ҳушёрликка чақириб, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилмоқда. Туман ИИБ ҲООГ инспектори, лейтенант Учқун Худоёров ва бошқалар бу борада олиб борилаётган ишларга тўхталиб, жиноятчиликнинг ахволини таҳлил қилишаяпти. Шу ернинг ўзида келгуси вазифалар белгилаб олинмоқда.

Ана шундай учрашувлар педагогика ва агросервис коллежлари, 1, 33-мактабларда ҳам ўтказилди. Туман ИИБ ҲООГ ва ВЕОҲООГ инспекторларининг чиқишлари ёшлар ва ўсмирларга жиддий таъсир кўрсатди. Йўл ҳаракати, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, қонунларимизга ҳурмат билан қараш, жойларда тартиб-интизомни сақлаш, алдовларга учмаслик, одам савдоси ва диний экстремизм каби масалалар юзасидан атрофлича тушунча берилди. Туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, майор А. Тошмуҳамметов томонидан бир гуруҳ ёшларга фуқаролик паспортлари топширилгани тадбирларга кўтаринкилик бағишлади.

Қатор маҳаллаларда бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида профилактика, ёнғин хавфсизлиги, жиноят қидирув ва бошқа хизматлар вакилларининг фаолиятига баҳо берилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси аъзолари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг барқарорликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилмоқда.

2009 йилда 2,5 мингдан ортиқ хонадонда паспорт-виза қоидаларига қандай амал қилинаётгани текшириб чиқилди. Текширувлар чоғида 810 та қоидабузарлик аниқланди. Хусусан, 245 нафар фуқаронинг паспорти амал қилиш муддати ўтганлиги, 58 нафар чет эл фуқароси ҳудудимизда ноқонуний яшаб келгани ойдинлашди.

Профилактик тадбирларни амалга оширишда милиция таянч пунктларининг ўрни катта бўлмоқда. Айниқса, профилактика инспектори, маҳалла оқсоқоли, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари, яраштириш комиссияси ва хотин-қизлар кенгаши аъзолари бир бинода фаолият олиб бораётгани мавжуд муаммоларни ҳал этишда қўл келаяпти. Бугунги кунда спиртли ичимликка ружу қўйган, гиёҳвандликка мубтало бўлган, муқаддам судланган шахслар ва жанжалкаш оилалар билан профилактик ишлар олиб борилмоқда.

Хуллас, жиноятларнинг олдини олиш бўйича яхши натижалар қўлга киритилаётгани учун ички ишлар ходимларининг фуқаролар ўртасидаги обрў-эътибори ошиб бораяпти.

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,
ўз мухбиримиз.

Сурхондарё вилояти.

СУРАТЛИ АХБОРОТ

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Навбаҳор маҳалласидаги 317-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Эркин Отамуродов профилактик ишларни жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бораяпти. Бу эса ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликларнинг олдини олишда қўл келмоқда.

Суратда: ***майор Э. Отамуродов маҳалла фаоли билан суҳбатлашаяпти.***

Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

Қўриқлаш хизмати

ТАШМАЧИЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

Шаҳрихон тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси шахсий таркиби тасарруфга олинган объектларнинг ишончли муҳофазасини таъминлаш билан бирга тезкор-профилактик тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Қўриқлаш марказий пульти бошлиғи; катта сержант М. Усмонов тезкор гуруҳ томонидан ўтказилган тадбирда фаол қатнашиб, гиёҳвандлик моддалари савдоси билан боғлиқ бир нечта жиноятни муваффақиятли фош этди. Назармаҳрам қишлоғида яшовчи Абдулҳамиднинг томорқаси текширилганда 14 туп наша ўсимлиги, шунингдек, чордоғига яширилган 1381 гр. марихуана топилди.

Ўтган йили бўлинма ходимлари томонидан 53 та ташмачилик ҳолатининг олди олинди. Қўриқланаётган объектлардан ўғирлаб кетилаётган 195033 сўмлик моддий-товар бойликлар қайтариб қолинди.

Айни пайтда 75 та халқ хўжалиги объектлари ва ўндан ортиқ фуқароларнинг хонадонлари қўриқловга олинган. Мол-мулкларнинг ишончли муҳофазасини таъминлашда взвод командири, сержант А. Исмоилов, сафдорлар Ф. Исмоилов, О. Мамасолиев ва бошқа ходимларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Бўлинмада ҳар бир тактик машқлар ва ўқув машғулотлари режали олиб борилаётгани ходимларни фавқулодда вазиятларда мустақил қарор қабул қилишга ўргатмоқда.

Ўтган йил давомида қўриқланаётган объектларда бирорта ҳам ҳуқуқбузарликка йўл қўйилмагани қўриқлаш тизимининг тобора такомиллашиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Ташмачилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида корхона, ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари ўртасида ўтказилаётган профилактик тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам яхши самара бераяпти.

Муроджон ФОЗИЛОВ,
лейтенант.

Андижон вилояти.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда

АНЪАНА ВА ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Ҳар йили қиш фаслида бутун мамлакат бўйлаб «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш анъанага айланди, десак янглишмаймиз. Бу бежиз эмас, албатта. Об-ҳаво кескин пасайиши, қалин туман тушиши ёхуд йўлларда яхмалак пайдо бўлиши оқибатида ҳайдовчилар ҳамда пиёдаларнинг ҳаракатланишида жиддий муаммолар юзага келади.

Худди ана шу даврда ўтказиладиган тадбирдан кўзланган мақсад эса биринчи галда юртдошларимизни ҳушёрлик ва огоҳликка чорлаш, уларни мавжуд қоидаларга қатъиян амал қилишга ундаш ва шу тариқа юз бериши мумкин бўлган турли-туман йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдан иборат. Фурқат тумани ИИБ ЙҲХГ катта инспектори, сержант Хислатбек Шералиев бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

– Агар масалага айнан шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, айни пайтда уюшқоқлик билан давом этаётган тадбирни нафақат анъана, балки ҳаётий зарурат ҳам деб қараш лозим. Агар рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, туман ҳудудида йил давомида 3 минг 400 тадан кўпроқ қоидабузарлик аниқланди. Жумладан, 98 нафар ҳайдовчига транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарганлиги, 1 минг 295 нафар ҳайдовчига тезликни меъёрдан оширганлиги, 6 нафар ҳайдовчига темир йўл кесишмасидан ўтишда амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қилмаганлиги, 181 нафар ҳайдовчига тегишли ҳужжатлари бўлмаган ҳолда рулга ўтирганлиги, 741 нафар ҳайдовчига транспорт воситасини қувиб ўтишда шошқалоқлик қилгани учун маъмурий тартибда чора кўришга тўғри келди.

Аммо ана шундай саъй-ҳаракатларга қарамай 37 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди ва оқибатда 30 нафар юртдошимиз турли даражада тан жароҳати олди. Аянчлиси, 5 нафар жабрланувчи ҳаёт билан видолашди.

Агар юқорида айтилган қоидабузарликлар аниқланмаганда содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари ҳам, улардан жабрланганлар сони ҳам кескин ортган бўларди. Шу боисдан, биз тадбирга янада масъулият билан ёндашяпмиз.

Айни пайтда туман аҳолиси сони 102 минг нафардан ошиб кетди. Агар шу рақамга қўшни ҳудудлардан келиб-кетаётган фуқароларни қўшсак, автофалокатларнинг олдини олиш ғоят жиддий вазифа эканлиги аён бўлади. Шундай экан, маҳалла, корхона, ташкилотлар, ўрта-махсус, умумтаълим ҳамда даволаш муассасаларида учрашувлар уюштирмоқдамиз. Бунда асосий эътибор иштирокчилар шуурида амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"га ҳурмат ва итоатни шакллантиришга қаратилаяпти. Бизнингча, юртдошларимизни автофалокатлардан авайлаб-асраш борасидаги энг мақбул йўл ана шу!

Йил давомида болалар иштирокида 11 та автоҳалокат рўй берди ва 11 нафари турли даражада тан жароҳати олди. Биз бу борадаги вазиятни чуқур ўрганиб болалар таълим олаётган бир қатор мактабларда тарғибот-ташвиқот ишларини бутун чоралар билан кучайтириш лозим, деган қарорга келдик ва шундай қиляпмиз ҳам. Айни пайтда айрим мактабларда ўқувчиларга "Йўл ҳаракати қоидалари"ни ўқитиш талаб даражасида эмаслигини кўрсатиб, бу борада тегишли чоралар кўриш учун туман халқ таълими бўлимига тақдимномалар киритдик.

Энди бевосита тадбир жараёнида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталсак. Юқорида айтганимдек, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш асосида бутун туман ҳудудида автомототранспорт воситалари ҳаракатланишини мунтазам назорат остига олишга ҳаракат қилаяпмиз.

Тадбирнинг биринчи ўн кунлигида 5 нафар ҳайдовчига транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлиги, 80 нафарига ҳаракатланиш чоғида тезликни оширганлиги, 30 нафарига олдиндаги транспорт воситасини қувиб ўтиш қоидасини бузганлиги учун маъмурий баённома тузилди. Яна 31 нафар ҳайдовчига бошқа қоидабузарликлар содир этганлиги учун чора кўришга тўғри келди.

Афсуски, саъй-ҳаракатларимизга қарамай, 16 декабрь куни тахминан соат 11 дан 30 дақиқа ўтганда Чекшариф қишлоғи ҳудудида яна бир автофалокат рўйхатга олинди. Қўшни Ўзбекистон туманининг Қиркетмон қишлоғида истиқомат қилувчи Ё. Нуриддин «ДЭУ ЛАБО» русумли автомобилида йўлнинг чап томонидан ўнг томонига югуриб ўтаётган болакай – биринчи синф ўқувчиси Дилёржон Аъзамовни уриб юборади. Жабрланувчи ўрта оғир тан жароҳати олганлиги боис шифохонага ётқизилди.

Бу воқеа юртдошларимизни автофалокатлар асоратидан муҳофаза этишда ҳали кўп ишлар қилишимиз зарурлигидан далолат беради.

Раҳмонали ҚОСИМОВ
ёзиб олди.

Фарғона вилояти.



Суратда: туман ИИБ ЙҲХГ катта инспектори, сержант Хислатбек Шералиев ҳайдовчининг ҳужжатларини кўздан кечираяпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан мамлакатимизда ўтказилаётган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» Наманган вилоятида ҳам қизғин давом этмоқда.

Ички ишлар, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ташкилотлар ходимлари, ҳокимликлар, «Маҳалла» жамғармаси ва халқ таълими тизими вакилларидан иборат гуруҳлар томонидан меҳнат жамоалари, таълим-тарбия муассасалари ҳамда маҳаллаларда «Йўл ҳаракати қоидалари» тўғрисида суҳбатлар уюштирилаяпти. Уларда озгина эътиборсизлик ёки ҳаракат пайтида ҳушёрликни йўқотиш қандай ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкинлиги мисоллар асосида тушунтириб берилмоқда.

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Тадбир давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳокимликлар ва тегишли ташкилотларга 35 та тақдимнома киритилди. Шунингдек, болалар автошаҳарчаси барпо қилиш ва автомайдон ташкил этиш юзасидан жами 40 та таклиф билдирилди. Ҳозиргача 579 километр йўллар кўрикдан ўтказилди. 21 километрли пиёдалар йўлаклари таъмирланди. Қўшимча 212 та йўл белгилари ўрнатилиб, 110 километр йўлга янги чизиқлар тортилди. Тузилган 36 та махсус гуруҳлар томонидан вилоят ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини ўрганиш мақсадида 758 маротаба рейд ўтказилди.

Тезликни меъёридан ошириш ва йўл белгиларига риоя қилмаслик энг кўп содир этилаётган қоидабузарликлардан ҳисобланади. Фалокат оёқ остида эканини унутган ана шундай ҳайдовчи панд ейиши тайин. Жумладан, Наманган шаҳрининг Оромгоҳ даҳасида яшовчи Х. Зиятов «Ласетти» русумли автомашинасини Дўстлик кўчасида бошқариб бораётиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмай, қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келаётган «Дамас» автомашинаси билан тўқнашув содир этди. Натижада «Дамас» йўловчиси Баҳром Тожиаҳмедов тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди.

Айрим ҳайдовчиларимиз шошма-шошарлик оқибатида йўлни кесиб ўтаётган пиёдаларни кўрмай қолишади. Натижада оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаси келиб чиқади. Наманган шаҳрида яшовчи Абдулло Собиров «Нексия» русумли автомашинасида йўлни кесиб ўтаётган пиёдани уриб юборади.

Вилоятдаги автокорхоналар, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи уюшмаларда ташкил этилаётган суҳбатларда ҳайдовчиларнинг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Зеро, автомобиль бошқараётган бирор ҳайдовчи ёки йўлда кетаётган пиёда фалокатга йўлиқишни хоҳламайди. Бироқ озгина бепарволик ёки амалдаги тартиб-қоидаларни менсимаслик шундай нохуш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун йўлларда ҳушёр бўлиб, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига амал қилайлик!

Шермуҳаммад ҚОДИРОВ,
Наманган вилояти ИИБ ЙҲХБ бошлиғи ўринбосари, подполковник.

Маърифат дарси

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари ва хавфсизликнинг яхлитлиги тамойилидан келиб чиқиб, ҳаммамиз учун умумий бўлган таҳдидларга қарши курашда ягона позицияда туриб иш тутмоқ муҳим аҳамият касб этади.

Ислом КАРИМОВ.

Маълумки, 2009 йили Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган саммитдан сўнг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди. Демак, эзгу ишларга энди бизнинг юртимиз бошчилик қилади. Хўш, бу эзгу ишларнинг асосий йўналишлари қандай? Минтақада хавфсизликни таъминлаш ва янада мустаҳкамлаш, ҳозирги жаҳон молиявий инқирози шароитида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш ва қўшма саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, бу борада белгиланган режалар ҳамда лойиҳалар ижросини назорат қилиш, сиёсий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш каби масалалар ташкилот фаолиятининг асосий йўналишларини ташкил этади.

Бу халқаро ташкилотга Шанхайда асос солинган бўлса-да, унинг фаолияти 2004 йилда Тошкентда яна ҳам жонланди. Ўша йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар иштирокида Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган улкан анжуман ўтказилди. Ўзбекистоннинг бу борадаги ташаббус ва таклифлари ер юзидаги барча етакчи давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан маъқулланди. Ана шундай бир пайтда тинчликсевар юртимиз Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммитини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Ташкилот ўзининг бу анжуманига асосий тизимлари шаклланган, молиявий жиҳатдан таъминланган, режалари аниқланган, мақсадлари уйғунлашган, ташкилий жиҳатдан уюшган ҳолда келди.

Биз бу анжуманга алоҳида эътибор бераётганимизга сабаб шуки, унда қатнашган давлатларнинг раҳбарлари халқаро терроризмга, наркобизнесга ва экстремизмга қарши курашда имкониятлардан биргаликда фойдаланиш, ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро интеграция жараёнларига янги куч ва янги мазмун бағишлаш мақсадида Тошкентда жуда самарали мулоқот олиб бордилар. Энг муҳими, учрашув ошкора руҳда ўтди, музокаралар ва мулоқотлар жараёнида янги ғоялар туғилди, аниқ режалар белгилаб олинди, қарорлар қабул қилишда ҳамфикрлилик ва ҳамжиҳатлик таъминланди. Тошкент саммити ишини БМТ, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, НАТО каби халқаро ташкилотлар диққат билан кузатиб боришди ва ижобий баҳо беришди. Ўша йили мен Брюсселда бўлиб, НАТО мутахассислари билан суҳбатлашганимда бунга ишонч ҳосил қилдим. Улар НАТОдай катта куч-қудратга эга бўлган тузилма ўз фаолияти жараёнида турли муаммоларга дуч келаётган бир пайтда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Марказий Осиёда ўз муаммоларини ўзи ҳал этаётганлиги ғоятда ибратли ва диққатга сазовор эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Албатта, эътироф яхши нарса. Бироқ Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига НАТОга ўхшаган ҳарбий тузилма сифатида қарамаслик керак. Кейинги беш йил мобайнида айрим ғарб давлатларида бу масала бир неча бор мунозара мавзуси бўлди. Ҳатто оммавий ахборот воситаларида ШҲТ НАТОга қарши ташкил этилган ташкилот деган шарҳлар ҳам берилди. Бу бутунлай асоссиз эди. Аксинча, ҳозир кўриб турибсиз, ШҲТ аъзоси бўлган Россия НАТО билан муносабатни мустаҳкамлаш чорасини излаяпти. ШҲТ фаолиятининг қамровини Екатеринбургда муҳокама қилинган масалалар ҳам кўрсатиб турибди. Жумладан, унда молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши кураш, минтақавий ва халқаро масалаларга ёндашувларни самарали мувофиқлаштириш, мунтазам равишда фестиваль, кўргазма ва бошқа маданий тадбирлар ўтказиб туриш, тиббиёт соҳасида тажриба алмашиш, энергетика, ахборот, экология ва озиқ-овқат соҳаларида, хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамкорлик қилиш, шунингдек, ташкилот ҳузуридаги тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, кузатувчи мақомидаги давлатлар ҳамда минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Бироқ шуни очиқ айтиш керак, гап минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, терроризм, экстремизм, бузғунчилик, айирмачилик ва уюшган трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш ҳамда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида борар экан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ҳарбий хавфсизлик масаласини четлаб ўтолмайди. Одатда, бу масала муҳокама жараёнида сиёсий ҳамда иқтисодий масалалар билан уйғунлашиб кетади. Ўз олдига минтақада хавфсизликни таъминлаш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни асосий мақсад қилиб қўйган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида ҳамкорлик қилаётган мамлакатларда ҳозир ер юзидаги аҳолининг тенг ярми истиқомат қилмоқда. Шу жиҳатдан олганда, бугунги кунга келиб, ШҲТ дастлаб ўз зиммасига олган вазифалар доирасидан чиқиб кетди ва жаҳон сиёсатининг ҳал қилувчи омилларидан бирига айланди.

Минтақа хавфсизлиги ҳақида гап борганида, аввало, Афғонистондаги бугунги вазият кўз олдимиздан ўтади. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг яқин йилларда ўтган барча саммитларида Ўзбекистон қўшни давлатдаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан жиддий амалий таклифлар киритди. Жумладан, давлатимиз раҳбари Екатеринбургдаги охирги саммитда Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг БМТ шафелигидаги янги халқаро механизми – «6+3» мулоқот гуруҳи тузиш ташаббусини илгари сурди. Бу гуруҳ Афғонистонга қўшни олти мамлакат ҳамда Россия, АҚШ ва НАТО вакилларидан иборат бўлади. Мен журналист сифатида ўша саммит ишини ва унга нисбатан жаҳонда билдирилган акс садоларни кузатганимда бир нарсага ҳайратландим. Яъни, Ўзбекистоннинг амалий таклифига АҚШда, Европа ва Осиёдаги айрим давлатларда маълум даражада умидворлик билан муносабат билдирилди, бироқ Афғонистон расмий доираларининг жиддий фикрларини эшитмадик.

Шак-шубҳасиз, Ўзбекистон бундан кейин ШҲТга раислик қилар экан, қардош халқ яшайдиган қўшни юртда тинчлик-барқарорлик ўрнатилиб, бунёдкорлик ва яратувчилик авж олиб, миллий тотувлик ва ҳамжиҳатликка эришиш йўлини излаш учун ўз саъй-ҳаракатларини аямайди. Қўшнининг уйидаги нотинчлик бизнинг халқимизни бефарқ қолдира олмайди. Бу масала ШҲТга аъзо ҳамда кузатувчи мақомидаги давлатларни ҳам бефарқ қолдирмаслиги керак. Афғонистондаги бугунги вазиятдан нафақат героинфурушлар, экстремистлар, ғаразли мақсадни кўзлаган аламзадалар, балки четда туриб бузғунчилик қилаётган ёвуз кучлар ҳам манфаатдорлар. Жафокаш афғон халқи эса уруш-жанжалдан чарчади. Шу пайтгача темир йўллар қуришда, электр энергияси таъминотида, қишлоқ хўжалигини ва ирригацияни ривожлантиришда, умуман, иқтисодиётни тиклашда Афғонистонга ўз ёрдамини аямаган Ўзбекистон, ишончимиз комил, бундан кейин ҳам бу борада қўл қовуштириб турмайди.

Энди тинчлик пойдеворини ўрнатиш мумкин бўлган омилларга келсак, давлатимиз раҳбари бу омилларнинг моҳиятини ўзининг 2008 йил апрель ойида НАТО (СЕАП)нинг Бухарестдаги саммитида қилган маърузасида асослаб берган эди. Яъни, биринчидан, ғоят муҳим ҳаётий иҳтимоий ва иқтисодий муаммоларни, аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал этиш, иккинчидан, кўпмиллатли Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлар ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда нафақат Афғонистон, балки бутун мусулмон оламида тоқат қилиб бўлмайдиган вазият ва кескинликка сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслик, учинчидан, давлат ва жамият қурилиши, фуқаролик институтларини шакллантириш борасида ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилишини таъминлаш, тўртинчидан, қўшни Покистон раҳбарияти ва ҳукумати билан биргаликда чегара муаммоларини, аввало, Вазиристон ҳудудида ҳал этиш, бешинчидан, юқорида айтиб ўтилганидек, ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб «6+2» гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш зарур. Ўзбекистон раҳбарининг таклифи ҳамон жаҳоннинг диққат-эътиборида бўлиб турибди. Эҳтимол бизнинг юртимиз қўшни мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги эзгу ишга муносиб ҳисса қўшар.

Албатта, жаҳонда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига қарашлар ҳам, қизиқишлар ҳам турлича. Шундай халқаро экспертлар ҳам борки, ШҲТга аъзо айрим давлатларнинг мақсад ва интилишларига уларнинг фақат геосиёсий ёки стратегик манфаатларидангина келиб чиқиб ёндашадилар. Масалан, Россия билан Хитойга нисбатан. Яъни, уларнинг ШҲТдаги ўрни ва ролини бошқаларникидан ортиқча қилиб кўрсатишади. Бизнингча, бундай ёндашув асоссиз. Жумладан, Ўзбекистон сиёсатда ҳеч қачон бировнинг йўриғи билан юрмаган ёки ўзгалар таъсирига берилмаган. Долзарб халқаро масалаларга ёндашувлар юзасидан Ўзбекистон ҳамиша ўз ташаббуслари ёки таклифларини илгари сурмоқда. Халқаро учрашув ва анжуманларда, жаҳон кун тартибида турган муаммолар ечимини излашда, баъзан турли ғаразли мақсадлар, кўзланган хуруж ва бўҳтонларга зарба беришда Ўзбекистоннинг ўз сўзи ва позицияси бор. Бизнинг давлатимиз ҳеч бир халқаро ташкилот фаолиятида хўжакўрсинга қатнашмайди. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятидаги фаоллигини эса аъзо давлатлар билан бирга кузатувчи мақомига эга бўлган давлатлар ҳам эътироф этиб келяпти. Дарвоқе, айрим кузатувчи мақомидаги давлатлар тўлақонли аъзо бўлиш истагини билдиришяпти. Эҳтимол бу масала ҳам Ўзбекистон раислик қилган даврда кўриб чиқилар.

Асло кўз тегмасин, Ватанимиз пойтахти гўзал – Тошкентимизда ҳамиша тинчлик руҳи ҳукмрон. Бу руҳ ҳар қандай муаммони биргаликда ҳамкор, ҳамфикр, ҳамжиҳат бўлиб, эзгу мақсадларни кўзлаб ҳал этиш учун қулай, муҳим ва яхши имкониятлар яратади. Холис халқаро кузатувчилар ҳамда мутахассислар Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг жаҳонда тутган ўрни ва аҳамиятига юқори баҳо берар эканлар, Ўзбекистоннинг бу ташкилотга раислиги самарали бўлишига ва ўтказиладиган мулоқотлар жараёнида нафақат минтақадаги халқлар манфаатларига, балки инсониятнинг келажагига хизмат қиладиган муҳим қарорлар қабул қилинишига ишонадилар, деб умид қиламиз.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Сиёсий-ижтимоий сабоқ

КАСБ МАДАНИЯТИ

ИНСОННИ ҚАДРЛАЙДИ ВА ЭЪЗОЗЛАЙДИ

Тарихдан маълумки, барча давлатларда ҳам тараққиёт аввало инсонларнинг маънавий камолоти билан белгиланади. Ривожланган давлат фақат юксак маънавият шаклланган заминдагина вужудга келади. Маънавиятли ва маърифатли кишилар эса бошқаларга зиё улашиб, уларни хайрли ва эзгу ишларга ундайди, яхшиликларга даъват этади.

Шундай экан, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган ички ишлар ходимларида ҳам аввало инсоний, сўнгра касбий маданиятни камол топтириш, улар онгига миллий ғоя асосида шаклланган мафкурани сингдириш, халқимизнинг бой маданий меросига, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш ўз аҳамиятини йўқотмайдиган долзарб вазифалар сирасига киради. Бунга эришиш учун эса энг аввало ҳар бир ходим онгида юксак маънавиятни шакллантириш зарур.

Хўш маънавият ўзи нима?

Бунга Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида шундай таъриф берадилар: "Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир".

Демак, мана шу беқиёс куч барча қарашларимизни ўлчайди, баҳолайди. Мана шу баҳо кимнинг кимлигини, қандай инсонлигини кўрсатади.

Шундай экан, бугунги кунда ички ишлар идоралари ходимлари қай даражада маданиятли ва маънавиятли? Албатта, бунинг учун ижтимоий сўровнома ўтказиш ёки газетага эълон бериб халқнинг фикрини сўраш шарт эмас. Хизмат тақозосига кўра, улар айнан фуқаролар билан кўпроқ мулоқотда бўлар экан, баъзан қоидани ёки тартиб-интизомни бузиб турган одамга яхши гап кор қилмаган пайтда кўпол муомала қилишга ҳам мажбур бўлишар. Лекин бу дегани ҳуқуқбузарнинг барчаси билан шундай муомала қилиш керак дегани эмас. Чунки яхши гапга илон инидан, ёмон гапга мусулмон динидан чиқар деганларидек, кўпол муомала хизмат вазифасини бажаришда ҳам панд бериши тайин. Шунинг учун ҳуқуқбузар ҳам энг аввало, инсон эканлигини, унга яхши гапирилса, мулойимлик билан муомала қилинса у ҳам гапга тушунишини англаш керак. (Албатта, бунда ичкилик ёки гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилганларни мустасно қилиш лозим бўлади).

Шу боис, бугунги куннинг талаби ва ички ишлар идоралари ходимларининг вазифаси энг аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш экан, ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг биринчи шарти – ҳар қандай инсон билан у ким бўлишидан қатъи назар яхши муомала қилиш керак бўлади. Ҳа, яхши муомала қилиш, тўғрироғи, қила олиш ички ишлар идоралари ходимининг нечоғлик маънавиятли эканлигини, касбий маданиятини пухта эгаллаган ёки эгалламаганлигини кўрсатади.

Касбий маданият касб эгасидан лавозига маънавиятсиз, маънавиятга эса илм-маърифат ва тарбиясиз эришиб бўлмайди. Зеро, буюк аллома Хожа Самандар Термизий бобомиз айтганларидек, тарбиядан тупроқ гавҳар бўлади.

Тупроқки гавҳарга айланар экан, одамзод дуру жавоҳирга айланиб комил инсон мақомига эришмоғи тайин. Шукрки, бундай одамлар тарихда ва бугунги ҳаётимизда жуда кўп. Уларга ҳавас қиласан киши. Оддий, камтар, камсуқум, хокисор одамлар билан суҳбатлашиб суҳбатига, дийдорлашиб дийдорига тўймайсан. Беминнат ўгитларини, беозор панду насиҳатларини эшитганинг сари эшитгинг келаверади. Ахир, уларнинг юзидан нур, қалбидан дур сочилади-да.

Минг афсуски, ҳаётимизда бунинг тамомила акси бўлган инсонлар ҳам йўқ эмас. Маънавияти саёз кишилар тоифасига кирувчи бундай одамларга иложи борича дуч келмасликка, имкон қадар улардан узоқроқ юришга интиласан киши.

Юқорида таъриф берган иккита ҳолатни маънавиятнинг қуйи ва юқори поғоналари деб биладиган бўлсак, ички ишлар идораларида ҳам саноқли бўлса-да, айрим маънавияти саёз ходимларнинг учраб туриши, қолган маънавиятли ходимларнинг мавқеига путур етказиши, обрўйига соя солиши тайин. Шунинг учун бугунги кунда ички ишлар ходимларининг халқ орасида обрўйининг ошишига ёки тушишишига сабаб бўлаётган омиллар бу тарбия кўрганлик ёки тарбиясизлик десак назаримда янглишмаган бўламиз.

Шу ўринда бундай салбий ҳолатга сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш учун нима қилишимиз керак, деган савол туғилади. Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан ходимларни мунтазам равишда тарбиялаб бориш, уларнинг маънавий-маърифий билимларини ошириш учун механизм яратилган ва бу механизм узлуксиз ишлаши йўлга қўйилган. Бу ҳар ҳафта душанба кунлари ўтиладиган "Маърифат дарслари" бўлиб, мазкур дарсларда ходимларнинг маънавиятини оширишга қаратилган мавзулар ўтилади. Бироқ баъзан айрим раҳбарларнинг дарсларни ташкил этишга ёки ходимларнинг мазкур дарсларни ўзлаштиришга эътиборсизлиги туфайли улар баъзи жойларда талаб даражасида ўтилмаётган бўлиши мумкин. Яна бир жиҳати борки, дарслар ўз вақтида ўтилса-да айрим ходимларнинг машғулотларни ўзлаштириши ҳам талабга жавоб бермайди. Натижада эса, айнан ўша маърифат дарсига эътибори суст ходимнинг маънавияти саёзлашиб, нафсига эрк беради ва бир куни нопок ишларга қўл уриб, ўзига, фарзандларига, ота-онасига ҳамда хизмат жамоасига аянчли ва изтиробли "совға" тайёрлайди.

Бундай ҳолатлар ҳақида Президентимиз ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида одамларнинг ҳаётий қарашларини иккига бўлиб шундай таърифлайди: "Биринчиси – ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётий қарашлар.

Иккинчиси – бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндашув, яъни ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою-ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашлари".

Хўш, мана шундай икки хил дунёқарашнинг биринчисига эришмоқ ва иккинчисидан воз кечмоқ учун нималарга амал қилишимиз керак бўлади?

Назаримда, бунинг учун ҳар бир ички ишлар идораси ходими ўқиш, ўрганиш ва изланишни бош мақсад қилиб, китобни ва оқил одамларни дўст тутиши, сўраб ўрганишдан уялмаслиги, ўз Ватанининг тарихи, адабиёти ва санъатини чуқур ўрганмоғи, касбий билимларини, нутқини, маънавий дунёқарашини ўстиришга интилиши, мустақил фикрга эга бўлиш йўлида ўз устида мунтазам равишда ишлаши, ўзига нисбатан талабчанликни кучайтириши керак.

Албатта, бунинг учун кундалик оммавий ахборот воситаларини, матбуот нашрларини мунтазам равишда кузатиб бориши, ҳар хил ахборот ва маълумотларни ақл тарозисига солиб кўрганидан сўнг қабул қилиши, бу борадаги ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатиб бориши, жамиятдаги ўзгаришларга бефарқ бўлмасдан, замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишга, замонавий техника воситаларини эгаллашга интилиши зарур.

Шу билан бирга, ички ишлар идоралари ходимлари ўз касбининг маданиятли ходими даражасига эришмоғи учун энг аввало, хизмат кийимларини тоза ва озода кийиши, фарқловчи белгиларни ўрнатилган тартибда тақиб юриш қоидасига қатъий амал қилишлари лозим. Шунингдек, улар кийимларини дазмолланган, тугмалари қадалган ҳолда ўрнатилган меъёр талаблари асосида кийиб юришлари шарт. Олий таълим муассасаларини битирганлигини билдирувчи нишонлар ва орден, медалларни акс эттирувчи махсус планкалар кундалик хизмат кийимларига, орден ва медаллар эса тантанали тадбирларда кийиладиган кийимларга тақилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ички ишлар идоралари ходимлари хизмат жараёнида ва хизматдан ташқари пайтда сўзлашиш одобига, муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратиб, ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллаши, ҳамкасблари ва фуқаролар билан хушмуомалада бўлиши уларнинг жамоадаги ва жамиятдаги мавқеини юксалтиради, обрўйини оширади.

Шу билан бирга, улар бир қатор иллатлардан ҳам воз кечиши шарт. Масалан, хизмат пайтида ва хизмат кийимида спиртли ичимлик истеъмол қилишдан ўзларини тийишлари, фуқароларнинг хизматга тааллуқли бўлмаган баҳсларига (агар улар бир-бирига тан жароҳати етказмасалар, ҳақорат қилмасалар) аралашмаслиги, ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилмаслиги зарур.

Хизмат кийимини фуқаро ва дала кийимлари билан аралаштириб киймаслиги, бошқаларга бермаслиги, хизмат жойидан ташқарида бош кийимсиз ва қўлни чўнтакка солиб юрмаслиги, хизмат кийимида юрганда никоҳ узугидан ташқари бошқа узуклар ҳамда қимматбаҳо занжир ва мунчоқларни кўз-кўз қилиб тақиб юрмаслиги, жамоат жойларида бирон устун ёки бошқа нарсаларга суяниб турмаслиги, ўтирганда оёқларини чалкаштириб ўтирмаслиги, тугмаларини тақмасдан, ёқаларни очиб юрмаслиги уларнинг касб маданиятига амал қилишини кўрсатади.

Хуллас, сиртдан қараганда маданиятли ва маънавиятли бўлиш осондек туюлса-да, уларнинг ўзига хос бир қатор талаблари бор. Биз юқорида уларнинг айримларини санаб ўтдик, холос. Мақсадимиз дили оғриганларнинг кўнглига малҳам қўйиш, уларнинг топталган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, адолатни рўёбга чиқариш экан, энг аввало ўзимиз билимли, маънавиятли, маърифатли ва маданиятли бўлишимиз зарур.

Шундагина Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида "Доно халқимиз ғараз ва ҳасад билан яшайдиган, ўз шахсий манфаатига ўзгалар ҳисобидан эришишни маъқул кўрадиган, фақат ўзини ўйлайдиган кимсадан ўзи асрасин, дейди. Бағрикенг, ҳалол-пок, виждонли, меҳр-оқибатли, эл-юртнинг ғаму ташвиши билан яшайдиган кишиларни эса, аксинча, бошига кўтаради ва бундай одамлар жамият томонидан қадр-қиммат, ҳурмат-эътибор топади" деганларидек, биз ҳам касб маданиятини пухта ўзлаштириб олиб, касбимизни эъзозласак, у ҳам бизни қадрлайди ва эъзозлайди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ ШТБИХ МТБ катта инспектори,
подполковник.

«Элу юрт посбонлари – тинчлигимиз қалқонлари» танловига

ХИЛВАТДАГИ ҚОТИЛЛИК

Исломжон қўлидаги фонарнинг ёруғида қирғоқ ёқалаб келаётган отаси – Норин дарёси сув ўлчаш пароми бошлиғи Тўхтамирза акага юзланди:

– Дада, сезяпсизми, дарё негадир сокин оқяпти, шовулламаяпти...

У гапини тугата олмади – қоронғиликда бирдан машина моторининг ғуриллагани, кейин эшиклари ёпилгани эшитилди. Бир неча дақиқадаёқ улардан анча нарида бир автомашина тунги чироқларини ёқиб, маҳалла томонга катта тезликда ўтиб кетди. Ота-бола машинанинг «Дамас» эканлиги, ичида ҳайдовчидан ташқари яна икки киши ўтирганини кўришга улгуришди, холос.

– Тавба, қиш куни, изғирин тунда ҳам баъзи одамлар уйида тинчгина ўтирмайди-я, – Тўхтамирза аканинг ғаши келди. Ваҳоланки, у навбатчилик хонасида ўтирганида Равшан исмли таниши қўнғироқ қилиб, қирғоқда қандайдир машина кўрганини хабар қилган, ота-бола ўша жойни чамалаб келишаётган эди.

Эртасига эрталаб Учқўрғон тумани ИИБ навбатчилик қисмига бир аёл сим қоқиб, «Соҳил» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан оқиб ўтувчи дарёнинг чап қирғоғида 20-25 ёшлардаги, бўйнига арқон ва тош тўлдирилган елим қоп боғланган йигитнинг мурдаси ётгани ҳақида хабар берди. Ушбу хабар олиниши билан вилоят прокуратураси бўлинма бошлиғи, адлия маслаҳатчиси М. Бобомирзаев раҳбарлигида, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚҚБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник А.Мамажонов, катта тезкор вакил, подполковник М. Қозоқов, тезкор вакил, капитан У.Бойхонов, Учқўрғон тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, капитан Б.Қўқонов, ЖҚ ва УЖҚҚБ катта тезкор вакили, майор А.Сотволдиев, профилактика инспектори, капитан И.Мирзаев ва бошқа тажрибали ходимлардан иборат тезкор-тергов гуруҳи тузилди.

– Олиб борилган текширувларда эксперт-криминалистлар воқеа жойидан олинган қўл бармоқ излари Наманган шаҳрида яшаб, киракашлик билан шуғулланган Алишер Раҳмоновга тегишли эканлигини аниқлашди, – дейди вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник О. Долимов. – Тезкор-тергов гуруҳи аъзолари унинг уйига бориб, онаси билан суҳбатлашишганда Алишер таниш бир аёлнинг «Дамас» русумли автомашинасида киракашлик қилаётгани, шу куни эрталаб уйидан чиқиб кетганча қайтиб келмагани ойдинлашди. Жасад таниб олиш учун кўрсатилганда ўғлининг жонсиз танасини кўрган онаизор ҳушидан кетди.

Ушбу қотилликни фош этиш ҳамда А. Раҳмонов бошқарган қаймокранг «Дамас»ни қидириб топиш мақсадида вилоят ИИБ томонидан «Тўсиб ушлаш» тадбири эълон қилинди. Барча шаҳар ва туман ички ишлар идораларига жиноят тафсилоти ҳақида хабар юборилиб, Наманган вилоятидан Қирғизистон Республикаси, шунингдек, қўшни вилоятларга чиқиш мумкин бўлган айланма йўллар, маҳалла ва қишлоқларда суриштирув ишлари олиб борилди. А. Раҳмонов киракашлик билан шуғулланган йўналишдаги 300 дан ортиқ «Дамас» русумли автомашина ҳайдовчилари билан суҳбатлашилди. Тезкор-тергов гуруҳи аъзолари ва вилоят ИИБ ЙҲҲБ ходимлари олиб келинган ҳар бир транспорт воситасининг қайд этиш варақасидаги двигатель, шасси, кузов рақамлари бўйича солиштирма текширувлар ўтказишди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида А. Раҳмоновни яхши танийдиган, ўша куни эрталаб Чуст йўналишида икки ўсмирни олиб кетаётганини кўрган ҳайдовчи топилди.

Лекин қотилларни аниқлаш учун йўқолган «Дамас»нинг қаердалигини аниқлаш лозим эди. Шундагина воқеа ойдинлашиб, калаванинг учини топиш осонлашарди.

Вилоят ИИБ бошлиғининг фармойишига биноан «Кўрғон» тадбири бошланди. Ушбу тадбирга вилоят, шаҳар ИИБ ходимлари ва жамоатчилик вакиллари жалб қилинди. Профилактик ҳисобда турувчи шахслар билан суриштирув ишлари ўтказилди. Автомашина ташлаб кетилиши мумкин бўлган хилват жойлар, чегара ҳудудлар, 300дан ортиқ дала ҳовлилар, барча автомобиль тузатиш устахоналари кўздан кечирилди, суриштирилди. Аммо «Дамас» сувга чўккан тошдек ғойиб бўлган эди.

* * *

– Ака, бизни Чуст шаҳрига олиб бориб келсангиз, – илтимос қилишди қатор турган «Дамас»лар олдига яқинлашган уч йигит янги автомобилнинг эгасидан. – Бир маишат қилиб келмоқчи эдик.

– Бормайман, – деди ҳайдовчи уларнинг гапига ғаши келиб.

Йигитлар «ҳа, майли» дегандек, нари кетишди ва бироздан кейин четроқда турган «Дамас»нинг ёнида пайдо бўлишди. Унинг ҳайдовчиси ёш йигит экан. Тил топишишлари осон бўлди: ҳайдовчи ўн етти минг сўм эвазига уларни Чустга олиб бориб, қайтариб келишга кўнди.

Ҳайдовчи магнитофондан таралаётган майин куйни тинглаб, ўз хаёли билан банд, тасмадек чўзилиб кетган йўлдан кўз узмай, машинани бошқариб борар, шунинг учунми, ёнида ва орқадаги ўриндиқда ўтирган йўловчиларнинг имо-ишорасини пайқамас эди. Йигитлар эса безовта: водийни довон оша пойтахт билан боғловчи бу йўлда намунча транспорт кўп бўлмаса? Чуст шаҳри йўллари эса ундан ҳам гавжум... Ниҳоят Чустнинг тилларда достон истиҳоат боғи ёнига етиб келган «Дамас» тўхтади.

– Сизлар ўтириб турингглар, биз қизлар билан гаплашиб чиқамиз, – деди Маҳаммад ва Улуғбекнинг қўлидан тортиб, ичкарига бирга кириб кетди. Нарироқ бориб тўхтаган Маҳаммад Улуғбекка ўшқирди: «Намунча шалвирамасанг, қўрқмай Алишернинг бўйнига мен берган чилвирни солавер, сенга ҳеч нарса қилмайди».

Шундан сўнг Маҳаммад билан Улуғбек шошганча машинага чиқишди.

– Биз кўрган қиз хунук экан, қочиб чиқдик, – дея ҳазиллашган бўлди Маҳаммад.

«Дамас» айланма йўллар билан Наманган шаҳрига қайтди. Янги ҳаёт маҳалласига етишганда:

– Ака, машинани чапга, Исломобод шаҳарчасига буринг! – илтимос қилди Маҳаммад.

Автомашина кимсасиз йўл бўйлаб кета бошлади. Ҳайдовчининг ёнида ўтирган Маҳаммад гоҳ «чапга», гоҳ «ўнгга», дея йўл кўрсатар, кўзи алангжаланг, хилватроқ жой изларди. «Дамас» 400-500 метрча ичкарига юргач, йўл пастга қараб кета бошлади. Сирпанчиқ йўлда тез юриш хавфли – Алишер тезликни пасайтирди. Шу пайт орқа томондан бўйнига тушган пишиқ, ингичка чилвирдан каловланиб, жон аччиғида тормозни босди. Машина тўхтаб, ҳайдовчи босқинчига қаршилик кўрсата бошлади. Чилвир Улуғбекнинг қўлидан чиқиб кетдими ё унинг ўзи қўйиб юбордими – Шерзод ёрдамга келди. Шу тариқа уч ваҳший ўз элатдошларининг ҳаётига зомин бўлишди.

– Бор, машинамни миниб кел! – Маҳаммад Улуғбекка ўз «Дамас»ининг калитини узатди. Улуғбек анчадан кейин машинани келтирди. Иккита «Дамас» – бирининг рулида Маҳаммад устига машина ғилофи ёпилган жасад билан, иккинчисида эса Шерзод ва Улуғбек бирин-кетин юриб, «Гўзал» даҳаси томон кета бошлашди. Қишнинг куни бир сиқим эмасми, бу пайтда ғира-шира қоронғу тушиб, кўчада одам кўринмас, машиналар ҳам сийраклашиб қолганди. Шунинг учун қотиллар четроқда тўхтаб, мурдани Маҳаммаднинг машинасига олишди.

– Энди бундай қиламиз, – ташаббусни ўз қўлига олди Маҳаммад. – Шу атрофда бир танишим яшайди. «Ўлжа»ни ўшанинг уйига олиб бориб қўямиз. Босди-босди бўлгунча кўздан нарида турсин. У машинанинг давлат рақамларини ечиб олиб, ўз машинасига ташлади.

Маҳаммад босқинчилик билан қўлга киритилган автомашина ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган жойга яширилганига ишонч ҳосил қилгач ортига қайтиб, Шерзоднинг етовида бўлган ўз машинасига ўтирди, нарироқ боришгач, шерикларига навбатдаги режасини маълум қилди.

– Мурдани Норин дарёсига ташлаймиз. Ҳозир дарё айни ҳайқириб, пишқириб оқаётган пайт, бир зумда оқизиб кетади.

Дарё бўйига етиб келишгач, Маҳаммаднинг машинасидаги ўриндиқ остидан иккита елим қоп олиб, бирини тошга тўлдиришди. Кейин тошли қопни аллақачон сув бўйига ётқизиб қўйилган мурданинг бўйнидаги арқоннинг бир учига боғлаб, энди уни сувга ташламоқчи бўлишганда ўзлари томон фонар кўтариб келаётган икки шарпани кўришди-ю, ниятларини амалга ошира олмай, шошилинч қочиб қолишди.

«Ўғрини қароқчи урди» деганларидек, Маҳаммад шерикларига билдирмай, ўғирланган машинанинг газ баллони ва бошқа нарсаларини ечиб олиб, саксон минг сўмга пуллашга ҳам улгурди. Буни кўриб қолган Улуғбекка «Шерзодга айтма!» деб тайинлади.

Шерзоднинг опасига уйланиб, уларнинг хонадонида ичкуёв бўлиб яшовчи Раҳим Мамадалиев уйга ранг-рўйи бир аҳволда кириб келган қайнисининг нимадандир безовталигини шу заҳоти сезди. Шерзод овқатланмай, ҳадеб сигарет чекаётганини бироз кузатиб тургач:

– Ҳа, ука, тинчликми? – дея аста унинг кўнглига қўл солди. Сиқилиб турган Шерзод бўлган воқеаларни оқизмай-томизмай поччасига айтиб, ундан маслаҳат сўради. Почча эса орадан икки-уч кун ўтиб, бу ҳақда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига эмас, Маҳаммадга маълум қилиб, ўз ихтиёри билан жиноий тўдага қўшилиб қолди. Ҳатто Маҳаммад унинг уяли телефонига қўнғироқ қилиб: «Оғзингга эҳтиёт бўлиб юр, нега биз қилган ишларни ошкор қилаяпсан?» дея бўралатиб сўкканида ҳам жиноят ҳақида керакли жойга бориб айтишни хаёлига келтирмади. Аксинча, Маҳаммад қўнғироқ қилиб, қайниси билан белгиланган манзилга етиб келишни буюрганда Шерзодни тополмай, ўзи борди. Уни Маҳаммад билан Улуғбек кутиб туришган экан. Учовлон Маҳаммаднинг отасига тегишли устахона – «ўлжа» «Дамас»нинг «сўнгги манзили»га етиб боришди.

Маҳаммад қоровулга устахона дарвозасини қулфлашни буюрди. Буйруғи бажарилгач, автомашинани яширилган жойдан олиб чиқиб, учовлон уни эҳтиёткорлик билан бўлакларга ажрата бошлади. Худди шу пайт устахона дарвозаси тақиллади. Қоровул «ҳеч ким йўқ, иш вақти тугаган» деганда, эркак киши:

– Ака, очинг, машинамни қўйиб кетаман, — дея овоз берди. — У доим шу ерда қоларди.

Ноилож қолган қоровул дарвозани очиб, «Нексия» русумли автомашинани ичкарига киритишга мажбур бўлди. Рулдаги одам вилоят ИИБ хўжалик бўлими бошлиғи, подполковник Ш. Йўлчиев эди. У устахонада бир қанча яшиклар атрофга улоқтирилгани, уларнинг орасида қаймокранг «Дамас» турганини кўрди. Унинг хаёлига дарҳол ҳайдовчиси ўлдирилиб, олиб кетилган машина келди. Шубҳаланиб, автомашина ёнига борганида 3-4 нафар йигитча унинг эҳтиёт қисмларини ечишаётган эди. У йигитларга қарата:

– Ҳа, шоввозлар, нима қиляпсизлар? – деб сўради.

– Автомашинани таъмирлаяпмиз, – деди Маҳаммад.

– Машинанинг давлат рақамлари қани, ҳужжатлари борми?

– Икки киши тўрт кун аввал машинани қолдириб, давлат рақамлари ва ҳужжатларини олиб кетишди, – ҳозиржавоблик билан деди Маҳаммад.

Подполковник Ш. Йўлчиев дарҳол вилоят ИИБ ЙҲХБ навбатчилик қисмига қўнғироқ қилиб, қидирилаётган «Дамас»нинг кузов рақамини сўраб билгач, уни бўлакланаётган машинаникига солиштирди. Қаршисида худди ўша автомашина турарди. У вилоят ИИБ навбатчилик қисмига шошилинч хабар берди ва қоча бошлаган йигитлар орасидан айнан Маҳаммадни ушлаб қолди...

Суднинг қора курсисида йигитлар бош эгиб ўтирибди. Ташқаридан туппа-тузук кўринган бу «шоввоз»ларнинг қотилликка қўл урганига ишониш қийин, аммо бу – ҳақиқат. Жиноятга ким кимни етаклади – улар ҳали бир тўхтамга келишгани йўқ. Аммо қилни қирқ ёрувчи ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари панжара ортида беозоргина ўтирган ҳамтовоқларнинг қилмишни ашёвий далиллар, экспертиза хулосалари, гувоҳларнинг кўргазмалари билан исботлаб беришди. Қотилликка қўл уриш сабабларини ҳам. Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди ҳукми билан Маҳаммаджон Усупбаев 21 йил, Шерзод Қосимов 20 йил, Улуғбек Рисқулов ва Раҳимжон Мамадалиевлар эса узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиндилар. Шунга айтадиларда, ҳар кимки жафо қилса, жазо топқусидир, деб.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Саломатлик посбонлари

БОШ ЭНДОКРИНОЛОГ

ИИВ Марказий госпиталида бир шифокор хизмат қилади. Унинг аксарият беморлари ўзини бемор санамайди. Гап шифокорда эмас, касалликда.

– Қандли диабет ташхис эмас, шунчаки бошқача ҳаёт тарзи, – дейди ИИВ марказий госпитали 2-терапия бўлинмаси катта ординатори, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали эндокринолог, майор Худоёр Асқаров. – Ўша ҳаёт тарзига мослаша билсанг у сени безовта қилмайди. Акс ҳолда...

Худоёр Асқаров 1985 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан тамомлаб, институтнинг 2-клиник шифохонасида интернатура ўтади. Кейин эндокринология илмий текшириш институтининг жарроҳлик бўлинмасида ишлади, аспирантурада таҳсил олди, номзодлик диссертациясини ёқлади. 1998 йилдан буён ИИВ марказий госпиталида хизмат қилиб келмоқда.

Унинг номзодлик диссертацияси қандли диабет касаллигига бағишланган эди. Шу сабабли ички ишлар идораларининг соғлиқни сақлаш тизимида мазкур йўналишда энг етук мутахассислардан бири, бош эндокринолог ҳисобланади.

Худоёр ака мазкур касалликнинг олдини олиш ва даволаш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга оширди. Кўплаб кишилар ундан шифо топди. Ҳозирги кунда ҳам юзлаб беморлар унинг назорати остида турибди. Шифокор уларнинг ҳар бирини яхши танийди, билади. Касаллиги тарихидан яхши хабардор.

– Албатта, бизда касалликни даволаш учун барча шароитлар бор, мутахассислар мавжуд, – дейди Худоёр ака. – Бундан ташқари, бевосита Эндокринология интитути, Тиббиёт академияси билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Ўзаро тажриба, билим алмашмоқдамиз. Шунинг учун доим изланишдамиз.

Қонун ҳимоячилари, уларнинг оила аъзолари, фахрийлар соғлигини ҳимоя қилувчи мана шундай шифокорлар борлиги кишини руҳлантиради.

Исмоил ШОМУРОДОВ.

Билиб қўйган яхши

ТАНГА ҚУВВАТ, КЎЗГА НУР

Қадим манбаларга кўра, Пифагор, Афлотун, Арасту, Демокрит каби файласуфлар гўштсиз таомларни хуш кўришган. Етук рассом ва ҳайкалтарош Леонардо да Винчи ҳам гўштли овқатлардан ўзини тийган экан. Айтишларича, у теран ақл соҳиби бўлибгина қолмай, от тақасини букиб юбора оладиган даражада кучга ҳам эга бўлган.

Ҳозирги замон тиббиёти кунига 120-170 грамм гўшт истеъмол қилиш организмни тўлиқ қаноатлантиришини уқтиришига қарамай, аксарият инсонлар гўштли таомларни меъёридан ортиқ тановул қиладилар. Мол ва қўй гўшти биологик тўйимлилиги билан бирга, ўзида катта миқдорда экстрактив моддаларни жамлаганлигини унутиб қўйишади. Бинобарин, подагра, атеросклероз, панкреатит хасталикларида гўшт тановул қилишни камайтириш айни муддаодир.

Умуман, гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш қанча камайтирилса, шунча яхши. Зотан, сосиска, паштет, дудланган колбаса, гўшт консерваси, қази-қартадан парҳез тутиш терини ёшартириб, қонни тозалайди, томирларни юмшатади, жигар, буйрак фаолиятини зўриқишдан сақлайди. Аксинча, балиқни кўп тановул қилиш организмга етарлича қувват бериб, танани тозалайди, кўз равшанлигини оширади.

Тоҳир ИБРАГИМОВ,
олий тоифали шифокор,
профессор.

ЦИКЛОКРОССВОРД



1. «Қобуснома» асари муаллифи. 2. Бирор фаолият бўйича капитал маблағ сарфлаётган ташкилот ёки айрим шахс. 3. Германиядаги йиллик саноат ярмаркалари ўтказиладиган шаҳар. 4. Арбобларнинг мухбир билан оммани қизиқтирадиган бирор масала юзасидан матбуот учун ўтказган суҳбати. 5. Илонхўр, қўлга тез ўрганувчи жонивор. 6. Мураккабгуллиларга мансуб шифобахш гиёҳ. 7. Коинотдаги кичик сайёралар. 8. Босма маҳсулотлар чоп этиш соҳаси. 9. Эҳтиёжмандларга моддий ва маънавий ёрдам бериш фаолияти. 10. Хориж давлати билан расмий алоқани олиб бориш учун ҳукумат томонидан вакил этиб тайинланган лавозимли киши. 11. Даниялик атоқли эртакчи адиб. 12. Тожмаҳал обидасини бунёд эттирган Ҳиндистон ҳукмдори. 13. Қаттиқ жисмлар сиртига ионлар билан ишлов бериб фойдалилигини ошириш. 14. АҚШнинг марказий қисмидаги штат. 15. Тирик организмни ўрганувчи фан. 16. Дунё бўйлаб биринчи бор кемада саёҳат қилган португалиялик сайёҳ. 17. «Жавоҳирлар сандиғи» асари муаллифи, Ўзбекистон халқ шоири. 18. Ватанимизда турп-у, бодрингги билан танилган туман. 19. Муқимий меросига мансуб йил фасли мадҳ этилган шеър. 20. Суғорилмайдиган деҳқончилик. 21. Қадимий Бақтрия давлати даврида мавжуд бўлган тарихий шаҳар. 22. Самарқандда яшаб ижод этган ўрта аср қасиданавис шоири. 23. Мақом ва халқ ашулалари ижрочиси, устоз ҳофиз. 24. Техника ва табобатда ишлатиладиган оқ тусдаги кристалл модда. 25. Ўрта аср фалакиёт, риёзиёт алломаси, алгебра фани асосчиси.

КРИПТОГРАММА

Калит сўзлар: 1. Қаттиқ жисмнинг эластик деформацияси билан шу жисмга қўйилган механик кучланиш орасидаги чизиқли муносабатни фойдаланувчи қонун кашфиётчиси, инглиз олими – 13,8,12.

2. Айлананинг ўз диаметри атрофида айланишидан ҳосил бўлган геометрик жисм – 16,1,2.

3. Электротехника соҳасидаги америкалик ихтирочи ва йирик электротехника компаниялари эгаси, Нобель мукофоти лауреати – 9,14,3,18,10,4.

4. Электр қувватининг ўлчов бирлиги – 15,1,7,7.

5. Қоғозга туширилган лойиҳа – 11,3,17,5,1.

6. Квант механикаси бўйича фаолият олиб борган рус назариётчи физиги, академик – 6,1,4,14,1,8.

Энди калит сўзлари жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда яширин криптограммани ҳал этинг. Бунда улардан йирик мутасаввуф олим ва етук шоир Фаридиддин Аттор меросига мансуб икки мисра ҳикматни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ.

Одам савдоси – оғир жиноят

ҲАР ЖОЙНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

Жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган трансмиллий жиноят – одам савдоси глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Бинобарин, ўзлари танимаган шахсларга хаёлий бойлик илинжида эргашиб, боши берк кўчага кириб қолганлар мажбурий меҳнат ёки фаҳш билан шуғулланишга, тутқунликда яшашга мажбур этиляпти. Инсонийлик қиёфасини буткул йўқотганлар баъзан ўз юртдошларимиз бўлиб чиқаётгани ачинарли ҳолдир.

Мустақил мамлакатимиз Конституциясида ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги таъкидланган. Одам савдосига қарши курашни янада кучайтириш мақсадида, 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идороларароро комиссияси тузилиб, тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, яқинда Навоий вилоят ҳокимлигида вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Одам савдосига қарши курашиш ҳаммамизнинг ишимиз» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Иштирокчилар маҳаллий телевидение орқали аҳолига одам савдоси, яъни одамдан фойдаланиш мақсадида ёллаш, топшириш, яшириш, қабул қилиш каби қилмишлар учун қонунда кўзда тутилган жазо чоралари ҳақида сўз юритиб, турли мақсадларда ноқонуний йўллар билан хорижга чиқишнинг салбий оқибатлари кўплаб ҳаётий мисоллар, таҳлиллар асосида тушунтириб берилди.

– Вилоят адлия бошқармаси, ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида нафақат вилоят маркази, балки энг чекка туманлар, қишлоқ ва овулларда ҳам «Одам савдоси – мудҳиш жиноят», «Одам савдоси – миллатга хиёнат демакдир» каби мавзуларда учрашув ва семинарлар ўтказиб келаяпмиз. Улар қизғин мулоқот, фойдали фикр алмашувлар, савол-жавоблар тарзида ташкил этилаётгани яхши самара бераяпти, – дейди вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари, «Оила» маркази директори Розия Нарзиева.

Навбаҳорлик Салим Бобоев ҳам алданганлардан. Уни Бухоро вилоятининг Ромитан туманида таваллуд топган Қ. Раҳмат тўкис иш шароити яратиб бериш, турар жой ва озиқ-овқат билан таъминлаш, шу тарика бажариладиган юмушлар учун ойига 300 АҚШ доллари иш ҳақи беришни ваъда қилиб, мамлакатимиз ҳудудидан олиб чиқиб кетади. Санкт–Петербург шаҳрига олиб бориб, узоқ вақт турли қурилиш ишларида ишлатади. Аммо ваъда қилинган иш ҳақи ва қулай шароит тўғрисида гап ҳам бўлмайди. Бошидан ўтказган қийинчиликлар, чеккан азоб-уқубатлари етмагандек иш ҳақини ҳам ололмаган С. Бобоев ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига ариза билан мурожаат қилади. Қ. Раҳматга содир этган жинояти учун қонунда белгиланган тартибда жазо тайинланди.

Инсон яралибдики, ҳурлик, озодликка интилади. Ўз ҳаётини яхшилаш, орзу-мақсадларига эришиш, бахту иқболини аввало ўз эрки, ҳуқуқ ва манфаатларининг мустаҳкам ҳимоясида кўради. Шундай экан одам савдоси ва унинг ҳар қандай кўриниши тизгинсиз тарқалишига қарши барчамиз бирдек курашмоғимиз лозим.

Халқимизда, «Ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу тарозу» деган нақл бор. Шу ўринда кимдир ўзга юртларда мўмай даромад орттириш мумкинлиги ҳақида чўпчак айтаётганда, уларга эргашиб кетаётган айрим юртдошларимиз ҳам бундан тегишли хулоса чиқаришлари лозим.

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ.

Навоий вилояти.

Ҳар кимки жафо қилса...

Ичкилик ичиб, сархуш бўлиб қолган одамдан ҳар нарса кутса бўлади. Ҳа, шишанинг ичидаги «шайтон» ташқарига чиққач, «ҳунарини» кўрсатади. Ичкиликка ружу қўйганни юз мақомга йўрғалатади. Бухоролик Р. Шавкат (исмлар ўзгартирилган) муқаддам бир неча марта судланган. Охирги марта судланганида ахлоқ тузатиш ишига жалб қилинган, зиммасида бир йилу ўн ойдан ортиқ жазо муддати бор эди. Лекин ичкилик касрига қолиб, яна жиноятга қўл урди.

ШИША ИЧИДАГИ «ШАЙТОН»

Ўша куни онаси Ирода опанинг туғилган куни эди. Шундай пайтда уйга қуруқ бормай деган мақсадда яқин-атрофдаги «Исмигул» чойхонасига ароқ билан кабоб олиш учун кирди. Бу ерда ошпаз Жасур отаси, онаси ва укаси билан бирга бир йилдан буён ишлайди. Ушбу оиланинг Ирода опа билан ҳам ҳамкорлиги бор. Деярли ҳар куни аёл қўлда чўзилган лағмон келтириб беради. Муносабатлари яхши, шу пайтгача санманга боришмаган. Шунинг учун бўлса керак Р. Шавкат чойхонага кириб келганда овқатланиб ўтирган Жасур у билан самимий кўришди.

– Ака, биздаги ароқ тугади. Кабобни эса сабр қилсангиз бироздан сўнг тайёрлаб бераман, – деди Жасур.

– Сен мижозга хизмат қилишинг керак. Айтганимни ҳозироқ топиб бер, – деди Шавкат ошпаз овқатланишда давом этаётганини кўриб.

Жасур унинг қизарган кўзлари, оёқда зўрға турганини кўриб, гирт мастлигини пайқади.

– Ичиб олган экансиз, яхшиси уйингизга боринг. Ортиқча гапнинг нима кераги бор, – деди у иложи борича муроса қилишга интилиб.

Шавкат учун шу сўзларнинг ўзи етарли эди. У ошпазга яқин келиб, туртиб юборди. Жасур ерга йиқилди. Стол устидаги егуликлар ҳар томонга сочилди. Бу орада чойхонанинг бир четида уларни кузатиб турган ошпазнинг тоғаси Убайдулло ака жиянига ёрдам бериш учун югуриб келди. У Шавкатнинг қўлидан тортиб четга олмоқчи бўлганди уддасидан чиқмади. Ўз-ўзидан бошланиб кетган жанжални бир нечта нотаниш киши ўртага тушиб бартараф этишди.

Чойхонадан чиққан Шавкат тўғри уйига бориб, тунни тинчгина ўтказиши мумкин эди. Шунда касалманд онаси азият чекмас, ўзи ҳам яна бир жиноятга қўл урмасди. Лекин бундай бўлмади. Шавкатнинг кўз олдидан Жасурнинг тоғаси Убайдулло ака кетмади. Муштлашув чоғида олган зарбалари учун ундан ўч олиш ҳисси тинчлик бермай қўйди. Қаердандир қўлига тушиб қолган пичоқ унга далда бергандек бўлди. У чойхонани айланиб ўтиб, орқа эшикдан яна ичкарига кириб келди. Бу ерда Жасурнинг онаси идиш-товоқларни ювар, Убайдулло ака эса унинг ёнидаги стулда ўтирарди. Шавкатга кўзи тушган тоға ўрнидан туриб унинг ёнига кела бошлади. Шунда йигит илдам юриб бориб қўли билан унинг томоғидан ушлади. Убайдулло аканинг шошиб қолганидан фойдаланиб, иккинчи қўлидаги пичоқни унинг қорнига бир неча марта уришга улгурди. Бу орада Жасурнинг онаси қичқириб юборди. Оғир жароҳатланган Убайдулло ака зудлик билан касалхонага олиб борилди.

Мақсадига эришган Шавкат чойхонадан чиқиб, қўлидаги қонли пичоқни арриқа отиб юборди. Ўзи сал нарида турган «Матиз»га ўтириб, жуфтакни ростлаб қолди. Машина автожамланма ёнига етганда ундан тушиб, шу ерда турган «ЗИЛ» машинаси устига чиқиб, яшириниб олди. Энди унинг сархушлигидан асар ҳам қолмаганди. У қилмишининг оқибатини бутун вужуди билан ҳис этар, қаердан паноҳ топишни билмасди.

Туни билан ухламай чиққан Шавкат эрта тонгда Навоий шаҳрига, у билан никоҳсиз яшаётган аёлнинг уйига боришга аҳд қилди. Бу ердан ҳеч қаерга чиқмай, яшириниб ётди. Бироқ қилни қирқ ёрадиган ички ишлар ходимлари назаридан четда қолмади. Ўн иккинчи куни яшириниб ётган жойидан ушланди.

Қилмиш – қидирмиш, дейдилар. Р. Шавкат Шиша ичидаги «шайтон» макрига учиб, қўлини қонга ботирмаганда яна суднинг қора курсига ўтирмаган бўларди.

Ахтам ЛАТИПОВ,
катта лейтенант.
Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.

Бухоро вилояти.

БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



Тошкент шаҳар ИИББ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2009 йилнинг 30 ноябрь куни Юнусобод тумани 13-мавзеда назоратсиз юрган болакай олиб келинган. У ўзини 2002 йилда туғилган **Улжас Дилмурод ўғли Эркинбоев** деб таништирган. Ота-онаси ва яқинлари, манзили ҳақида бошқа маълумотларни бера олмайди.

Белгилари: бўйи 105-110 см, сочи, қошлари, кўзлари қора, қулоқлари ўртача.

Кийимлари: қора куртка, ҳаворанг жемпер, қора шим, қора кроссовкада бўлган.

Боланинг яқинларидан Тошкент шаҳар ИИББ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат қилишларини сўраймиз. Мурожаат учун телефонлар: 212-49-76, 212-42-56, 212-23-48.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ИИБ томонидан 1996 йилда туғилган, Тошкент вилояти Қибрай тумани Геофизика маҳалласи, 8-уй, 7-хонада яшаган **Ҳусниддин Фарҳодович Абдуманнонов** бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У 2006 йилнинг 5 июнь куни Пайариқ тумани Гулистон қишлоғида яшовчи қариндошиникидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Ҳ. Абдуманноновни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга бўлганлардан Пайариқ тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

* * *

Бухоро вилояти Вобкент тумани ИИБ томонидан **Нуриддин Зайниддинович Хайриддинов** бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. 1966 йилда туғилган. Бухоро шаҳридаги Мурувват уйида яшаган. 2008 йилнинг 2 июль куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Н. Хайриддиновни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Вобкент тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Наманган вилояти ИИБ томонидан ўзлари ҳақида маълумот бера олмайдиган қуйидаги руҳий беморларнинг шахси аниқланмоқда.

2009 йилнинг 18 ноябрь куни Учқўрғон тумани «Янгиер» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги божхона маскани яқинида дайдилик қилиб юрган, исмини Умид деган ёши тахминан 20-25 лардаги фуқаро.

Белгилари: бўйи 150-155 см, кўзлари қисиқ, сочи қора.

Кийимлари: қора болалар шапкаси, қора футболка, куртка, шим, тўқ кўк шиппакда бўлган.

Алоҳида белгилари: ўнг юзи ва кўзида мошдек холи бор.

* * *



2006 йилнинг 24 август куни Чуст тумани «Варзик» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида дайдилик қилиб юрган, ёши тахминан 20-25 лардаги эркак киши.

Белгилари: бўйи 150-155 см, кўзлари қисиқ, сочи, қошлари қора.

* * *

2009 йилнинг 28 ноябрь куни Учқўрғон тумани Ҳамза номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида дайдилик қилиб юрган, ёши тахминан 50-60лардаги эркак киши.

Белгилари: бўйи 160-165 см, сочи, қошлари, соқолмўйлови қора, оқ оралаган.

Кийимлари: жигарранг бахмал дўппи, қора оқ йўлли костюм, қора камзул, тўқ кўк кўйлак, кўк оқ йўлли футболка, қора шим, жигарранг туфлида бўлган.

Юқоридаги руҳий беморларни таниган, яшаш манзили, яқинлари ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Наманган вилояти ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Жиноятга жазо муқаррар

ЭСИЗ ЁШЛИК...

Инсонни қадрлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақил давлатимиздаги устувор вазифалардан бирига айланди. Кейинги йилларда амнистия шарофати билан билиб-билмай жиноятга қўл урган юзлаб кишилар тавба-тазарру қилиб, оиласи, фарзандлари бағрига қайтаяпти ва ҳаётда ўрнини топиб, жамият ривожига ҳисса қўшаяпти.

Аммо Ўртачирчиқ туманидаги Шодлик кўчасида яшовчи Б. Баҳром бундайлар хилидан чиқмади. Мактабни тугатгандан сўнг, тенгдошлари ҳаётда ўз ўрнини топишга интилган бўлса, у фаолиятини ўғрилик ва фирибгарликдан бошлади. Дастлаб деҳқон бозоридаги содда кишиларни чув туширди. Ҳаром йўл билан топган пули эвазига тунларни айш-ишратда ўтказди. Кўр-кўрни коронғида топади деганларидек, ўзига ўхшаш бекорчилар билан ҳамтовоқлик қилди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари унинг бозордаги бедодлигига чек қўйишмаганда, ким билади яна қанча дилхираликлар бўларди. Баҳром қилмишига яраша жазо олди, лекин бундан тўғри хулоса чиқармади. Ҳалол меҳнат қилиб яшашга бўйни ёр бермасди. Нима қилиш керак, кўнглидан ўтказарди у хаёлга чўмиб.

Баҳром Янги ҳаёт ҳудудидаги қишлоқлардан бирида қандай пайдо бўлиб қолганини ўзи ҳам билмайди. Мол боқиб турган киши эътиборини тортди. Уни обдон ўрганиб, этга энган жониворларни назардан қочирмади. Қисқаси, ўғирлик жинояти устида қўлга тушди.

Ўзгалар мол-мулки ҳисобига кун кечиришни одат қилган Баҳром ҳали ўттиз ёшга кирмаган. Шунга қарамай икки бор жиноятга қўл уриб, судланди. Амнистия туфайли унинг ёшлиги, оилавий шароити инобатга олиб, кечирилганди. Таассуф...

Ўтган йилнинг 8 сентябри. Тун. Кузнинг сокин шабадаси этни жунжиктиради. Куни билан ҳалол тер тўкиб, толиққан кишилар бундай пайтда ётиб, ором олади. Аммо шу кеча Баҳром истиқомат қилаётган хонадондаги чироқ ўчмади. Отаси тунги сменада эканлигидан фойдаланиб, ҳамтовоғи А. Азиз билан қадаҳларни тўлдиришди, бир-бирини мактаб роса ичишди. Маишат тонггача давом этди. Ширакайф улфатларнинг негадир шу пайт машинада сайр қилгилари келиб қолди. Бироқ на униси, на бунисида машина бор.

– Бунинг йўли осон, – дея шеригининг қулоғига пичирлади Баҳром.

Унда кетдик бўлмаса, дея туман марказидаги шоҳбекат сари отланишди. Бироқ мўлжалдаги машинани топиш осон кечмади. Шу тумандаги «Қайтмас» фуқаролар йиғини ҳудудидаги Майраликўл кўчасида яшовчи, киракашлик қилаётган Фарҳод Мусаев бошқарувидаги машина шоҳбекатга келиб тўхташи ҳамтовоқларни ҳушёр торттирди. Бахтга қарши «Жигули»да Фарҳоддан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

– Оққўрғон туманига олиб бориб қўйсангиз, – дея унга яқинлашди Баҳром.

– Кеч тушиб қолди, уйга бормасам бўлмайди, – дейишига қарамай яхшигина пул ҳисобига уни кўндиришди. Одамларнинг ҳожатини чиқаришга ўрганган Фарҳод булар оддий йўловчи эмаслиги, шу бораётган жойи ўзи учун сўнгги манзил эканлигини қаердан ҳам билсин.

Газандалар ярим йўлда Фарҳодни бўғиб ўлдиришди. Буниси камлик қилгандек, жиноятни яшириш мақсадида мурдага бир нечта тош боғлаб, Оққўрғонни кесиб ўтувчи каналга чўктириб юборишди. Аммо «Бузоқнинг югургани сомонхонагача», деганларидек жиноятчилар жазодан қутулиб қололмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг саъй-ҳаракати билан жиноят фош қилиниб, риёкорлар қўлга олинди. Эсиз ёшлик, эсиз ёруғ кунлар. Энди бу қилмишлари учун улар умрларини яқин кишилари, қавму-қариндошларидан йироқда – тиканли симлар ортида ўтказишади.

Шундай деймизу, баъзан ўйлаб қоламиз. Гап шундаки, Баҳром ҳам фирибгар ёки қотил бўлиб туғилмаганди. У учинчи бор жиноятга қўл урди. Унинг бу йўлга киришида оила аъзолари, маҳалла-кўй, ошна-оғайни ва яна... бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Муҳими, у қўл урган ножўя ишлар ва жиноят кўчасига кириши нақотки, ҳеч кимни қизиқтирмаган бўлса! Оиланинг, маҳалладошларнинг бу борадаги ўрни қаерда қолди, деган ҳақли савол туғилади. Мана шуниси ачинарли.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
журналист.

ГИЁҲВАНДЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

Бугунги кунда гиёҳвандлик дунёнинг барча мамлакатларида глобал муаммолигича қолмоқда. Ушбу иллат оқибатида кўплаб инсонлар дунёдан бевақт кўз юмиб, фарзандларимиз ногирон бўлиб туғилмоқда.

Республикамиз аҳолиси, хусусан ёшларни гиёҳвандликдан асраш ва зарарли қотилнинг тарқалишига қарши курашиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан турли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бухоро вилояти ИИБ ходимлари Ромитан туманида олиб борган тезкор тадбир пайтида «Нексия» русумли автомашина шубҳаланиб тўхтатилди. Йўловчи Р. Омоновга тегишли сумка кўздан кечирилганда, ичида 3 кг. 791 гр. опий борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинди.

Шунингдек, Навоий вилояти ИИБ ЙҲҲБ, ЖҚ ва ТҚКБ ходимлари ҳамкорлигида Кармана туманида олиб борилган тезкор тадбир давомида «Самарқанд–Бухоро» йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган «Мерседес–Бенц» русумли автобус тўхтатиб текширилганда йўловчи Б. Даминов ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотди. Бу бежиз эмас экан. Унинг сумкасидан 998 гр. опий чиқди.

Ички ишлар ходимлари зарарли қотилни ўз вақтида аниқлашаётгани туфайли кўплаб оилаларнинг тинчлиги сақланиб, оғу таъсирида содир бўлиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинмоқда.

Акмал ҚОДИРОВ,
лейтенант.

АКА-УКА БОСҚИНЧИЛАР

Келажагини ўйлаган инсон ҳеч қачон жиноят кўчасига кирмайди ва ўзи ҳамда оиласи шаънига доғ туширимайди. Лекин косонлик ака-укалар Зафар ва Бобур ўзаро тил бириктириб, ножўя режа тузаётганда жиноятга жазо муқаррар эканлигини унутишган кўринади.

Қарши шаҳрида киракашлик билан шуғулланувчи Акмал Расулов тунда Ўзбекистон кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб кетаётганда икки йўловчи қўл кўтарди. Ҳайдовчи автомашинани тўхтатгач, улар Кат маҳаллаларига олиб бориб қўйишни илтимос қилишди. Йўл ҳақи келишилгач, Акмал машинани манзил томон елдириб кетди. Маҳалланинг тор кўчаларидан бирига етганда орқа ўриндиқда ўтирган йўловчи автомобилни тўхтатишни сўради. Ҳайдовчи унинг илтимосини қондирганда олд ўриндиқдаги йўловчи эшикни зудлик билан очиб, машинадан тушди. Акмал орқа ўриндиқдагиси бўйнига пичоқ тирашга чоғланаётганини ойнадан кўриб қолди ва бор кучи билан қаршилик кўрсата бошлади. Олишув чоғида пичоқ пастга тушиб кетди. Қўлидан жароҳат олган ҳайдовчи жон ҳолатда автомашинадан тушиб қочди. Номаълум йўловчилар эса автомашинани ўт олдирганча воқеа жойидан ғойиб бўлишди.

Қоронғи кўчада қолган Акмал босқинчиларнинг тажовузкорона ҳаракатидан ўзини йўқотиб қўймади. Ушбу воқеа ҳақида дарҳол Қарши шаҳар ички ишлар бўлимига хабар берди. Босқинчиларни тутиш учун тезкор-тергов гуруҳи ишга киришди. Воқеа жойини кўздан кечириш билан бирга шаҳар миқёсида «Тўсиб тутиш» тадбири эълон қилинди.

Босқинчилар «Матиз»ни узоққа олиб қочиб кетишга ўзларида журъат топа олишмади. Автомашина Қарши шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг бири олдига ташлаб кетилганлиги боис тезда топилди. Аммо жиноятчилар жуфтакни ростлаб қолишганди.

Ички ишлар ходимлари уларни аниқлаш учун тезкор-қидирув ишлари олиб боришди. Ҳайдовчи берган кўргазма асосида босқинчиларнинг фотороботлари ишлаб чиқилди. Олиб борилган суриштирувлар давомида Косон туманида яшовчи ака-ука Зафар ҳамда Бобур гумон қилиниб, ички ишлар бўлимига келтирилди. Дастлабки тергов давомида ака-укани жабрланувчи билан юзлаштирганда у босқинчиларни таниди. Бундан ташқари, автомашина рули ва гумондорлардан олинган ашёвий далил – пичоқдаги бармоқ излари айнан уларники эканлиги экспертиза давомида ўз тасдиғини топди. Зафар ва Бобурнинг ушбу жиноятни содир этганликларини тан олишдан ўзга чораси қолмади. Автомашина техник соз ҳолда эгасига қайтарилди. Эндиликда ака-укалар ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришга мажбур.

Жиноятни фош этишда вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, майор Ш. Қиёмов, Қарши шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ бўлинма бошлиғи, майор У. Отақулов, катта тезкор вакил, катта лейтенант С. Ҳусановларнинг фидойилигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Содиқ РАҲИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Қашқадарё вилояти.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги подполковник

Шавкат САЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

* * *

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Қарши шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, капитан Анвар Аминовга падари бузруквори

БЕГМАТ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

* * *

Республика ИИВ Тергов бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби тергов фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш бошқармаси катта терговчиси, майор О. Сатимбоевга отаси

Мирзатилла САТИМБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

* * *

Республика ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят мухбири Л. Шахназаровага онаси

Маргарита-Жанна АРУТЮНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 105 йиллигига

МАНГУ СЎНМАС САТРЛАР

Халқимизнинг атоқли фарзанди шоир, ёзувчи, адабиётшунос олим ва жамоат арбоби Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек 1905 йил 10 январда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Унинг болалик ва ўсмирлик йиллари оғир қийинчиликлар билан ўтади. Қатағон йилларида у ҳам тазйиққа учрайди. Аммо бу азоблар унинг иродасини бука олмади.

Ойбек шоир сифатида ҳам ўзбек адабиётида муносиб ўрин эгаллайди. Унинг «Чимён дафтари» туркумига кирган, юртимиз табиатининг фусункор таровати ва бетакрор рангларини ўзида акс эттирган шеърлари ўзбек лирикасининг шоҳ намуналаридан бири сифатида эътироф этилди.

Адибдан халқимиз учун бешта роман, тўртта қисса ва бир қанча ҳикоя ва очерклардан иборат бой насрий мерос қолди. Ойбек адабиётшунос олим сифатида халқимизнинг улуғ фарзанди, мутафаккир шоир Навоий ҳаётига кўп марта мурожаат этган. Айни Иккинчи жаҳон уруши йилларида улуғ шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган «Навоий» романини ёзди. Адиб бу шоҳ асарида XV асрда Хуросонда рўй берган муҳим тарихий воқеаларни акс эттирди.

Атоқли адиб бир неча йил республика Ёзувчилар уюшмасига раислик қилди, бир қатор журналларнинг муҳаррири бўлди. Жамоат ишларида фаол иштирок этди.

Ойбек ўзининг ранг-баранг ижоди ва улкан жамоат арбоби сифатидаги фаолияти билан ўзбек халқининг маданий юксалишига катта ҳисса қўшди.

Азиз муштарийларимизга атоқли шоиримизнинг машҳур шеърларидан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.



НАЪМАТАК

Нафис чайқалади бир туп наъматак
Юксакда, шамолнинг беланчагида,
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида,
Нафис чайқалади бир туп наъматак...

Майин рақсига ҳеч қониқмас кўнгил,
Ваҳший тошларга ҳам у берар фусун.
Сўнмайди юзида ёрқин табассум,
Яноқларни тутиб олтин бўса-чун,
Қуёшга тутади бир сават оқ гул!

Пойида йиғлайди кумуш қор юм-юм...
Нафис чайқалади бир туп наъматак...
Шамол инжуларни сепар чашмадак
Бошида бир сават оқ юлдуз — чечак,
Нозик саломлари нақадар маъсум!

Тоғлар ҳавосининг фирузасидан
Майин товланади бутун ниҳоли.
Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди:
Юксакда рақс этар бир туп наъматак,
Қуёшга бир сават гул тутиб хурсанд!

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ
Келгуси ҳафтаучун

ҚУЙ.
Ҳафтанинг биринчи ярмида кўпчиликнинг эътиборига тушишингиз мумкин. Сизга билдирилган ишончни оқлаб, мавқеингизни кўтариб олишга ҳаракат қилинг. Яна дам олиш, куч-қувват тўплаш учун вақт ажратиш лозим бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярми нисбатан қулай келиши кутиляпти. Ён босиш, масалага босиқлик билан ёндашишни маслаҳат берамиз.

СИГИР.
Юлдузлар янги билимларни эгаллаш, тажриба орттириш учун имконият туғилишидан дарак беряпти. Саёҳатга чиқиш, хорижликлар билан танишиш ҳам мумкин бўлади. Билим олиш жараёнида дуч келган қийинчиликлардан чўчимай, мақсадга эришишга ҳаракат қилинг. Ҳафта айрим рўзғор муаммоларини ечиш учун ҳам қулай келади.

ЭГИЗАКЛАР.
Ҳафтанинг биринчи ярмида кредит билан боғлиқ муаммолар ечимини топиши мумкин. Чўчимасдан ишга киришаверинг, ҳаракатда баракат деганлар. Аммо таваккал ишлар, лотерея, эҳтиросли ўйинлардан йироқ бўлган маъқул. Ўзбошимчалик, бемаслаҳат қилинган ишнинг охири ташвиш келтиришини унутманг.

КИСКИЧБАКА.
Юлдузлар шахсий муносабатларда уйғунлик, мослик бўлиши мумкинлигини таъкидлаяпти. Бўйдоқлар ўзларига мос жуфтни топишлари, бунинг учун ҳаракат қилишлари лозим бўлади. Ота-она, қариндош-уруғлар билан жанжал, тортишув бўлишига йўл қўйманг. Ҳақиқатни исботлаш осон эмас, бироқ чекиниш ҳам ярамайди.

АРСЛОН.
Бу ҳафтада кўплаб масалаларни ечиш имконияти туғилиши кутиляпти. Уларнинг ижобати учун роса тер тўкишга тўғри келади. Ҳафта саломатликни сақлаш, мустаҳкамлаш ва даволаниш учун ҳам қулай келиши мумкин. Қўлдан келмайдиган ишга уриниш ёки ваъда бериш мавқеингизга салбий таъсир кўрсатишини унутманг.

БОШОК.
Шахсий ҳаётингизда омад кулиб боқиши, айрим ўзгаришлар юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Янги танишувлар, ишқий учрашувлар бўлиши мумкин. Фарзандларга муносабатни яхшилашга ҳаракат қилинг. Кўнгилочар тадбирлар учун сарф-харажатни қисқартиришга тўғри келади. Беҳудага сарфланган маблағ ўрнини қоплаш осон кечмайди.

ТАРОЗИ.
Асосий эътиборни оилавий ва маиший юмушларга қаратишни маслаҳат берамиз. Таъмирлаш, қуриш ишларини бошлаш мумкин. Бу ишларда фаоллик кўрсатиш яхши, аммо бошқаларнинг фикрига қулоқ тутиш фойдадан холи бўлмайди. Ҳар бир ишни бамаслаҳат бошлаган маъқул. Саломатликка ҳам эътибор бериш лозим.

ЧАЁН.
Юлдузлар кўплаб мулоқотлар бўлишидан дарак беряпти. Ташаббускор бўлишга манфаатли натижалар берадиган суҳбатлар уюштиришга ҳаракат қилинг. Турли танлов, мусобақаларда иштирок этиш омадли бўлиши кутиляпти. Эшитган гапга ишонавериш ярамайди. Ҳар бир ахборотни текшириб, кейин хулоса чиқаришни маслаҳат берамиз.

ЁЙ.
Ҳафтанинг биринчи ярми молиявий масалаларни ижобий ҳал этиш учун қулай келиши мумкин. Бунинг учун фаол ҳаракат қилиб, бор имкониятни ишга солиш лозим бўлади. Бироқ жамоавий молиявий лойиҳаларда иштирок этмаганингиз маъқул. Маблағни сарфлашда зиқналик қилмасдан тежамкор бўлиш мақсадга мувофиқ.

ТОҒ ЭЧКИСИ.
Ўзингиздаги яхши хислатларни намоён этиш вақти етди. Самимийлик, хушмуомалалик билан айрим режаларни амалга ошириш мумкин бўлади. Ташқи кўринишга ҳам эътибор беришни эслатиб ўтамиз. Раҳбарлар, обрўли кишилар билан қарамақарши бўлиш кейинги иш режаларининг қоғозда қолиб кетишига олиб келиши мумкин.

ҚОВҒА.
Ҳафтанинг биринчи ярмида мириқиб дам олиш, куч-қувват тўплашга вақт ажратинг. Ўтмишни эслаб, эски фотосуратларни яна бир бор кўздан кечириш ҳам яхши ҳордиқ бўлади. Синалмаган, танимаган одамга ишонманг. Атрофингизда фирибгарлар борлиги, сизни чув туширишга ҳаракат қилишларини эслатиб ўтамиз.

БАЛИҚ.
Фикрлари, дунёқараши яқин бўлган дўстлар, танишлар билан учрашиш, суҳбатлашиш имконияти туғилиши кутиляпти. Янги танишлар, дўстлар пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Турли таваккал ишлар, эҳтиросли ўйинларда иштирок этмасликни маслаҳат берамиз.

ДИҚҚАТ, ТЕСТ!

ТАРИХ ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

(давоми, бошланиши 52-сонда)

15. Қандай манбалар моддий манбалар ҳисобланади?
а) меҳнат қуроллари
б) сопол идишлар
с) қурол-аслаҳалар ва зеб-зийнат буюмлари
д) ҳаммаси тўғри

16. Қандай манбалар ёзма манбалар ҳисобланади?
а) қоятошларга ёзилган қадимги ёзувлар
б) сопол буюмларга ёзилган қадимги ёзувлар
с) қадимги тарихшуносларнинг асарлари
д) ҳаммаси тўғри

17. Ўзбекистон тарихи бўйича энг қадимги ёзма манба нима?
а) Беҳистон қоялари ёзувлари
б) «Авесто» китоби
с) «Қуръон»
д) юнон-рим тарихчилари асарлари

18. Беҳистон қоялари ёзувлари қаерда жойлашган?
а) Фарғонада
б) Мисрда
с) Эронда
д) Самарқандда

19. Беҳистон қоялари ёзувлари кимнинг буйруғига кўра ёзилган?
а) Доро I
б) Доро II
с) Доро III
д) Доро IV

20. Беҳистон қоялари ёзувлари қайси тилларда ёзилган?
а) қадимги форс, элам ва бобил
б) қадимги юнон, элам ва миср
с) қадимги миср, юнон ва бобил
д) қадимги форс, юнон ва элам

21. Беҳистон қоялари ёзувлари Ўзбекистоннинг қайси шаҳар ва қабилалари тўғрисида маълумот берган?
а) Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия ва сак қабилалари
б) Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия ва массагет қабилалари
с) Фарғона, Сўғдиёна, Бақтрия ва массагет қабилалари
д) Фарғона, Хоразм, Бақтрия ва сак қабилалари

22. Юнон тарихчиси Геродот нечанчи асрда яшаган?
а) V асрда
б) IV асрда
с) VI асрда
д) III асрда

23. Геродот қайси асарни ёзган ва шу асар неча китобдан иборат?
а) «Тарих» асари ва 9 китобдан
б) «Тарих» асари ва 8 китобдан
с) «География» ва 9 китобдан
д) «Тарихий йилномалар» ва 2 китобдан

24. Юнон тарихшунослари Ксенофант ва Ктеций нечанчи асрларда яшаган?
а) V-IV асрларда
б) V асрда
с) IV-III асрларда
д) IV асрда

25. Страбон ким?
а) тарихчи
б) географ
с) олим
д) а ва б

26. Страбон нечанчи асрларда яшаган?
а) I аср охирларида
б) I асрда
с) I аср бошларида
д) II асрда

27. Страбон қайси асарни ёзган?
а) «Тарих»
б) «География»
с) «Авесто»
д) «Тарихий йилномалар»

28. Хитой тарихчиси Сима Сянг қайси асарларда яшаган?
а) V-IV асрларда
б) V асрларда
с) II аср охирларида – I аср бошларида асрларда
д) IV асрларда

29. Сима Сянг қайси асарни ёзган?
а) «Тарих»
б) «География»
с) «Авесто»
д) «Тарихий йилномалар»

30. Рим тарихчиси Квинт Курсий Руф қайси асрда яшаган?
а) V-IV асрларда
б) V асрда
в) II аср охирларида – I аср бошларида
д) I асрда

31. Юнон тарихчиси Аман қайси асрда яшаган?
а) V-IV асрларда
б) II асрда
с) II аср охирларида – I аср бошларида
д) I асрда

32. Квинт Курсий Руф қайси асарни ёзган?
а) «Тарих»
б) «Авесто»
с) «Буюк Александр тарихи»
д) «Александрнинг ҳарбий юришлари»

33. Арриан қайси асарни ёзган?
а) «Тарих»
б) «Авесто»
с) «Буюк Александр тарихи»
д) «Александрнинг ҳарбий юришлари»

34. Сўғд ёзуви қачон шаклланган?
а) милоддан аввалги III-II асрларда
б) милоддан аввалги II-I асрларда
с) милоддан аввалги I асрда
д) милоддан аввалги IV-III асрларда

Тузувчи Т. ЭШОНОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 2009 ЙИЛ 26 ДЕКАБРДАГИ 52-СОНИДА БЕРИЛГАН ТЕСТЛАРНИНГ ЖАВОБИ:

1-б, 2-а, 3-d, 4-с, 5-в, 6-в, 7-d, 8-с, 9-а, 10-d, 11-а, 12-в, 13-с, 14-d.

Умидли спортчиларимиз

«СПОРТ – МЕНИНГ ҲАЁТИМ»

дейди профилактика инспектори, лейтенант Элмурат Жуматаев

Ҳар субҳидам кўп қаватли уйлар орасида жойлашган спорт майдончасига назар ташлаган киши ёш ота ва ўғил югураётгани, бадантарбия машқларини бажараётганига гувоҳ бўлади. Ҳамза тумани Бинокор маҳалласи 273-милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Элмурат Жуматаев ва унинг беш ёшли ўғилчаси Бекнурнинг кундалик турмуш тарзи шу зайлда бошланади.

Лейтенант Э. Жуматаев профилактика катта инспектори, майор Баҳодир Эгамов билан қилинадиган вазифаларни режалаштириб олгач, ишни ҳудудни айланишдан бошлайди.

– Элмурат ўзига бириктирилган вазифани бекаму кўст бажарадиган масъулиятли ходим, – дейди майор Б. Эгамов. – Унинг спорт билан мунтазам шуғулланиши, айниқса, хизмат давомида асқотмоқда. Масалан, яқинда уяли телефон билан боғлиқ ўғирлик қайд этилди. Кўпчилик фуқароларнинг уяли телефонини ўғирлаб, қидирувда бўлган шахс Б. маҳалла ҳудудида қўлга олинди. Уни тутишда лейтенант Э. Жуматаевнинг жисмонан чиниққанлиги, спортчилиги қўл келди.

...Асли Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ тумани Ийк ота жамоа хўжалигида туғилиб, вояга етган Элмурат ёшлигиданоқ спортга меҳр қўйди. Отаси Нурмуҳаммад ака иккинчи фарзанди Элмуратни байрам, сайил ва тўйларда бўлиб ўтадиган кураш беллашувларига, улоқларга олиб борарди. Болакайда аста-секин спортга бўлган иштиёқ шакллана бошлади. Дастлаб у бокс тўгарагига борди. Ўрта мактабни тугатиб, Бектемир туманидаги 24-ўсмирлар спорт мактабида ўқиди. 2001 йилда ҳарбий хизматни ўтаб келганидан сўнг, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга кирди. Ўқиш давомида бир неча бор спорт мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади.

Институтни тамомлагач, касб танлаш борасидаги қарорда ҳеч иккиланмади. Ички ишлар идоралари ходими бўлишга аҳд қилди. 2003 йилнинг май ойида Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси 1-батальони 3-отрядига милиционер

лавозимига тайинланди. Сўнг Тошкент шаҳар ИИББ экология ва тозаликни назорат қилиш бўлимида, 2005 йилдан 2009 йилнинг ноябригача ИИББ махсус отрядида хизмат қилди. Ҳозирда профилактика инспектори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Элмурат Жуматаев 2005 йилда қўл жанги бўйича республика чемпионатида иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олганида унинг мураббийи Болҳўжа Ибодуллаев «Биринчи кўрсаткичинг ёмон эмас, яна да кўпроқ машқ қилиш – муваффақиятлар гарови эканлигини ёдингда тут», дея далда берган эди. Тинимсиз машғулотлар аста-секин ўз натижасини бера бошлади. Шу йили қўл жанги бўйича Тошкент шаҳар ИИББ биринчилигида фахрли учинчи ўринни қўлга киритди. 2006-2007 йилларда эса мазкур мусобақада ғолиб бўлди. 2007 йили декабрь ойида «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида бўлиб ўтган қўл жанги бўйича халқаро турнирда Элмурат бронза медалини қўлга киритди. Орадан бир йил ўтиб, Хоразмда бўлиб ўтган республика ИИВ кўпкураш мусобақасининг қўл жанги бўйича беллашувларда шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишга муваффақ бўлди. Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ўтказилган мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллади. Шунингдек, Тошкент ва пойтахт вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ўтказиладиган анъанавий Спартакиада баҳсларида ҳам совриндорлар сафидан жой олган.

– Элмурат барча машғулотларни ўтказиб юбормасдан, ўз вақтида бажаришга ўрганган, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ махсус жисмоний тайёргарлик маркази мураббийи, капитан Равшан Абдураҳмонов. – Қўл жанги бўйича барча мусобақаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг тиришқоқлиги, иродаси мустаҳкамлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Элмурат Жуматаев устозлари Б. Ибодуллаев, Ю. Росс, Р. Абдураҳмоновлардан қўл жанги сирларини қунт билан ўрганиб келмоқда. Қаҳрамонимиз ўзи ёш бўлсада, ўзига тенгдош ва ёш ходимларга билим ва кўникмаларини ўргатиб келмоқда.

– Спорт – ҳаётим мазмуни, – дейди лейтенант Э. Жуматаев. – Бирор кун спорт билан шуғулланмасам бир нарса йўқотгандек бўламан. Келажакда бу борада юксак марраларни қўлга киритиш ниятим ҳам йўқ эмас.

Ҳа, спортни дўст тутган киши ҳеч қачон кам бўлмайди, балки хизматда ҳам юксак марраларни эгаллайверади. Ниятимиз лейтенант Э. Жуматаев сингари спортчи ёшларимиз сафларимизни тўлдираверсин.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постда» мухбири.

ДИҚҚАТ!

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»

Ҳурматли юртдошлар!

Биз, ички ишлар идоралари ходимлари Сизнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришингиз учун масъулмиз. Шу боисдан, Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги навбатчилик қисмларига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат этган шахснинг исм-шарифи сир сақланиши кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	(8-371) 233-22-33
	(8-371) 233-39-39
Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	(8-361) 222-56-76
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси	(8-371) 232-03-30
Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-374) 224-87-50
Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-365) 224-64-86
Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-372) 226-03-02
Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-436) 223-06-71
Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-369) 226-60-55
Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-366) 233-00-00
Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-367) 225-33-30
Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-376) 227-25-51
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-371) 264-18-32
Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-373) 224-29-08
Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-362) 226-37-10
Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	(8-375) 221-82-45
Транспорт Ички ишлар бошқармаси	(8-371) 252-61-39
ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси	(8-371) 236-23-70

ISSN 2010-5355
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI
MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**
Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Guli Nigor AVAZOVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88;
Faks: 232-05-51.
E-mail: urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-8766. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 59694 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.